

№85-86  
2019-yil, 22-oktabr  
Seshanba (32.576)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

Улуғлардан улуғимсан, Ватаним!

O'zbekiston  
OVOZIМИЛЛИЙ ЎЗЛИГИМИЗ  
ВА МУСТАҚИЛ  
ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗ  
ТИМСОЛИ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

Ассалому алайкум, мухтарам юртдошлар!

Азиз дўстлар!

Аваллабор, мана шу қувончли айёмда барчангизни азим пойтахтимизнинг марказида барпо этилган, кунчи кеча ишга туширилган мухташам ва улуғвор қошонада хуш кайфиятда қўриб, қўллаб турганимдан гўяда бахтиёрман.

Сиз, азизларини, сизларнинг тими-солганимизда бутун халқимизни тарихий сана — ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллиги билан самимий муборакбод атаман.

Маълумки, Ўзбекистоннинг замонавий қиёфасини яққол намоён этадиган янги бино ва иморатлар бутун барча шаҳар ва вилоятларимизда қўллаб қад қўтармоқда.

Албатта, уларнинг орасида «Тошкент-Сити» ишбилармонлик маркази алоҳида ажралиб туради.

Гувоҳ бўлиб тураётганда, «Тошкент-Сити» маркази ўзининг меъморий қиёфасида шаҳарсозлик санъатининг энг сўнгги ютуқларини, архитектура, муҳандислик ва дизайнлик борасидаги ноёб ва улкан салоҳиятни яққол мужассам этади.

Майдони 80 гектардан иборат ушбу марказни қуришдан асосий мақсад — замонавий, «ақлли шаҳар» барпо этиш, халқаро, хорижий ва маҳаллий банк-молгия тузилмалари ва инвесторлар учун жонажон Ватанимиз, биринчи навбатда, гузал пойтахтимиз жозибадорлигини оширишдан иборат.

Биз Ўзбекистон тараққиётини янги босқичга кўтариш мақсадида ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегиясини ижро этиш асосида охиригача амалда қилишга қўлбасмаган ҳалқимиз ва халқаро ҳамжамият яхши хабардор, албатта. «Тошкент-Сити» марказини барпо этиш гоёси ҳам айнан ушбу стратегия билан бир пайтда тутилган эди.

Ўзбекистон таърибасида биринчи бўлган шундай катта миқёсдаги ва ноёб лойиҳани амалга ошириш учун кўп нарсани янгитдан ўрганишимиз, тинимсиз изланишга тўғри келди.

Қурилиш майдони 1 миллион 600 минг квадрат метрга тенг бўлган янги марказнинг 30 фоизини уй-жойлар, 30 фоизини офислар учун бинолар, яна 30 фоизини савдо мажмуалари, 10 фоизини меҳмонхоналар фонди ташкил этади.

Барчангиз кўриб турибсиз, бутун бу худудда улкан бунёдкорлик ишлари жадал давом этмоқда. Насиб этса, 2021 йилда қурилиш ишлари тўлиқ якунланиб, ушбу марказ халқимизга ва пойтахтимиз меҳмонларига хизмат қилишни бошлайди.

Қисқача айтганда, «Тошкент-Сити» маркази Ўзбекистонда қурилиш ва архитектура соҳасида тараққиётнинг янги даври бошлангани, бу соҳада биз кўп нарсани қодир эканлигимизни кўрсатади, десак, ҳозир ҳақиқат бўлади.

Азирги вақтда Ўзбекистон ўзининг оқил ва конструктив сиёсати билан минтақамиздаги йирик сиёсий, иқтисодий ва маданий марказга айланиб бормоқда. Жаҳондаги нуфузли халқаро ташкилот ва тузилмалар, молиявий институтлар, ишбилармон доиралар томонидан Ўзбекистонда қатор тадбирлар, анжуман ва учрашувлар ўтказилмоқда. Табиийки, келгусида бу жараёнлар янада кучаяди, Ўзбекистон яна қўллаб-қўлланган халқаро саммитлар, форум ва симпозиумларга мезбонлик қилади.

Шу маънода, ушбу мухташам мажмуа нафақат давлатимиз, балки халқаро аҳамиятга эга бўлган янги гоё ва ташаббуслар тупладиган, муҳим тарихий ҳужжатлар қабул қилинадиган масканга айланади, деб ишонамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шундай муваззам саройнинг бунёдкорларига — моҳир меъмор ва лойиҳачиларга, ишчи-муҳандисларга, чет эллик мутахассисларга, барча иштирокчиларга

ўз номидан, халқимиз номидан чуккур миннатдорчилик билдираман.

Хурматли дўстлар!

Мамлакатимизда яратилаётган янги тарих, янги тараққиёт даврининг, халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг амалий ифодаси бўлиши мана шу бетакрор мажмуада биринчи бўлиб она тилимизга — давлат тилига бағишланган тантанали маросимни ўтказиётганимиз бежиз эмас.

Бугун ушбу мухташам мажмуага дастлабки азиз меҳмонлар сифатида ташриф буюрган сиз, қадрли юртдошларимизни, мухтарам фахрийларимизни, она тилимизнинг жонқуяри бўлган зиёлиларимизни, депутат ва сенаторларимиз, фаол ёшларимизни, дипломатик корпус вакилларини чин қалбимдан табриклаш менга катта мамнуният бағишлайди.

Бу муваззам қошона барчангизга, бутун халқимизга муборак бўлсин! Хуш келибсиз, азиз дўстлар!

Қадрли ватандошлар!

Дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, буюк қадриятдир.

Кимда-ким ўзбек тилининг борлатофатини, жозибаси ва таъсир кучини, чексиз имкониятларини ҳис қилмоқчи бўлса, мунис оналаримизнинг аллаларини, минг йиллик дostonларимизни, ўлмас мақомларимизни эшитсин, бахши ва ҳофизларимизнинг сеҳрли кўшиқларига қулоқ тutsин.

Туркий тилларнинг катта оиласига мансуб бўлган ўзбек тилининг тарихи халқимизнинг кўп асрлик кечмиши, унинг оруз-интилишлари, дарду армонлари, зафарлари ва ғалабалари билан чамбарчас боғлиқдир.

Аждодларимиз, ота-боболаримиз айнан она тилимиз орқали жаҳонга ўз сўзини айтиб келганлар. Шу тилда буюк маданият намуналарини, улкан илмий кашфиётлар, бадий дурдоналар яратганлар.

Ўтмишда ўлкамизни босиб олган турли ёвуз кучлар бизни аввало ўз тилимиздан, тарихимиз ва маданиятимиздан, дину диёнатимиздан жудо қилишга қайта-қайта уриндилар. Улар эл-юртимиз бошига қандай азоб-уқубатлар, қулфат ва мусибатлар солгани тарихдан яхши маълум.

Аммо жасур ва матонатли халқимиз ҳар қандай оғир синовларда ҳам ўз озодлиги ва истиқлоли учун мардона курашди. Бу йўлда беҳисоб қурбонлар берди. Ҳар қандай зулм ва зуравонликларга қарамайдан, ўз она тилини — миллий гурурини сақлаб қолди. Нафақат сақлаб қолди, балки уни ҳар томонлама ривожлантириб, бугунги авлодларга безавол етказиб берди.

Бу борада маънавий жасорат ва фидойилик кўрсатган буюк арбобларимиз, адиб ва олимларимиз, уламопаримиз, улуғ санъаткорларимизнинг хотирасини бутун хурмат ва эҳтиром билан ёд этамиз.

Ушбу қўтлуғ айёмни байрам қилар эканмиз, аввало, 1989 йил 21 октябр санасини — «Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилинган кунни эслашимиз ўринлидир.

Юртимизда мустабид тузум ҳали ўз ҳукмини ўтказиб турган гоёгир шароитда халқимизнинг тақдири ва келажиги ҳал қиладиган бу қонунни қабул қилиш биз учун осон кечмаган эди.

Қонун лойиҳаси икки марта умумхалқ муҳокамасига қўйилган эди. Унинг атрофида қандай қизгин баҳс ва тортишувлар бўлиб ўтганини, уйланимни, қўлчилик юртдошларимиз жуда яхши эслайди. Шахсан мен ҳам ўшанда бу тарихий жараёнларнинг бевосита гувоҳи ва иштирокчиси бўлганман.

МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТИМИЗНИНГ  
БИТМАС-ТУГАНМАС МАНБАИ

Пойтахтимиздаги мухташам Халқаро Конгресс марказида 21 октябр кунин ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди.

Унда сенаторлар, депутатлар, ҳукумат аъзолари, давлат ва жамоат арбоблари, дипломатик корпус вакиллари, ижодкор зиёлилар, тилшунос олимлар, ёшлар иштирок этди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев йиғилганларни, бутун халқимизни ушбу тарихий сана билан табриклаб, ўзбек тилининг тараққиёти ва истиқболлари ҳақида нутқ сўзлади.

Тил миллат мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат, таъбир жоиз бўлса, унинг паспортидир. Тилнинг

бутун қудрати, сеҳру жозибаси, аввало, ана шу тилининг яшовчанлигида, унда яратилган бадий адабиётда намоён бўлади. Шу боис ўзлигини таниган ҳар бир миллат она тили ва адабиётини асраб-авайлайди, унинг ривожини йўлида бор куч-салоҳиятини сафарбар этади.

Мустабид тузум даврида миллий тилларни, жумладан, ўзбек тилини ҳам йўқотишга кўп уринишлар бўлди. Она тили миллатимиз зиёлилари каби қатъон қилинди, давлат идоралари туғул оддий давраларда ҳам сўзлашиш воситаси сифатида ўрнини йўқотар даражага келиб қолди.

Давоми 2-бетда. ▶

Самарқанд ва Истанбул  
университетлари  
ҳамкорлиги

қардош ўлкаларнинг қадимий таълим даргоҳлари салоҳиятини янада оширишга қолдир қилади 3

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК  
ПАРТИЯСИНING ҚУРУЛТОЙИ

2019 йил 28 октябр кунин пойтахтимиздаги Халқаро бизнес марказининг мухташам Амир Темур залида Халқ демократик партиясининг қурултойи бўлиб ўтди.

Унда партия Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия ташкилотларидан кўрсатилган делегатлар, партиянинг республика миқёсидаги фаоллари, хайрихоҳлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этади.

Қурултойда партиянинг бу йилги сайловда иштироки тўғрисидаги масала ҳам ўрин олган.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши  
Ахборот хизмати.

Ўзбекистон Республикаси

Президентининг  
ФАРМОНИ

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ  
ДАВЛАТ ТИЛИ  
СИФАТИДАГИ НУФУЗИ  
ВА МАВҚЕИНИ  
ТУБДАН ОШИРИШ  
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ  
ТЎҒРИСИДА

Халқимизнинг кўп асрлик маданий, илмий-маърифий ва бадий тафаккури, интеллектуал салоҳиятининг ёрқин ва бебаҳо маҳсули бўлган ўзбек тили жаҳондаги бой ва қадимий тиллардан биридир.

Ўзбекистонда 1989 йил 21 октябрда эл-юртимиз асрлар давомидида орзу қилиб, интилиб ва курашиб келган давлат тили ҳақидаги қонуннинг қабул қилиниши мамлакат суверенитети ва мустақиллиги сари қўйилган дастлабки дадил қадам эди. Айнан ана шу тарихий ҳужжатга биноан ўзбек тили мустақил асос ва юксак мақомига эга бўлди.

Истиқлол йилларида она тилимиз том маънода давлат тилига айланиб, халқимизни юртимизда эркин ва озод, фаровон ҳаёт қуришдек буюк марраларга сафарбар этадиган беқиёс куч сифатида майдонга чиқди.

Бугун Ўзбекистонимиз «Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари» деган бош тамойил асосида тараққиётнинг янги, янада юксак босқичига кўтарилмоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида давлат тилининг ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузи тобора ошиб бормоқда.

Ўзбек тили сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий-иқтисодий, маънавий-маърифий жабҳаларда фаол қўлланиб, халқаро минбарларда баралла янграмоқда. Хорижий мамлакатларда тилимизга эътибор ва уни ўрганишга қизиқиш кучаймоқда.

Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада аввало ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир.

Ўзбек тилининг халқимиз иқтисодий ҳаётида ва халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини тубдан ошириш, униб-ўсиб келаётган ёшларимизни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларга садоқат, улуғ аждодларимизнинг бой меросига ворислик руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда давлат тилини тўлақонли жорий этишни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Тараққиёт стратегияси» маркази ва кенг жамоатчилигининг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун — 21 октябр санасини «Ўзбек тили байрами кунин» деб эълон қилиш тўғрисидаги тасдиқловчи қарарни қабул қилиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тузилмасида ҳодимларнинг умумий чекланган сонини 9 та штат билан иборат Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташкил этилсин ва унинг тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қуйидагилар Давлат тилини ривожлантириш департаментининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

давлат тилини ривожлантириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан мониторингинг амалга ошириш, ушбу соҳада жамоатчилик назоратининг самарали шакллари жорий этиш;

давлат органлари ва ташкилотлари, жумладан, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг давлат тилини ривожлантириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини ташкил қилиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

Давоми 2-бетда. ▶

Аёлларга биринчи бор  
сайлов ҳуқуқи  
қачон берилганини биласизми?

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши томонидан Тошкент Молия институтининг катта мажлислар залида «Ёшлар ва хотин-қизларнинг иқтисодий-сиёсий фаоллигини оширишнинг муҳим жиҳатлари» мавзусида семинар ўтказилди. Унда партия фаоллари, институт ўқитувчилари, талабалар, мутахассислар иштирок этди.

Тошкент Молия институтининг ректори У. Азизов тадбирни кириш сўзи билан очар экан, жорий йилги сайловларнинг аҳамияти, унда ёшларнинг фаол, дахлдорлик ҳисси билан қатнашиши муҳим эканини алоҳида таъкидлади.

Партия Марказий Кенгаш сектор мудири Равшан Хомитов тадбирда иштирок этаётган талабалар билан ўзига хос интерактив мулоқот олиб борди. Шунинг

Давоми 6-бетда. ▶

Давоми 2-бетда. ▶

21 октябрь – ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кун.

# МИЛЛИЙ ЎЗЛИГИМИЗ ВА МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗ ТИМСОЛИ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

Бу муҳим ҳужжатнинг қабул қилинишида фидойи ва ватанпарвар зиёлиларимиз, кенг жамоатчилиқнинг қатъий шижоати ҳамда Биринчи Президентимиз мухтарам Исроҳон Абдуғаниевич Каримовнинг сиёсий иродаси қатта ўрин тутди.

Ўзбек тили давлат тили сифатида халқимизни бириштирадиган, жамиятимизни улуг мақсадлар сари сафарбар этадиган қудратли куч бўлиб майдонга чиқди. Айни вақтда у Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги сари қўйилган биринчи дадил қадам эди.

Бу қонун халқимизнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш йўлидаги азму қарорининг ёрқин намоёни бўлди. Орадан икки йил ўтиб, Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги айнан она тилимизда жаҳонга эълон қилинди.

Мамлакатимизнинг Асосий қонуни – Конституцияимизнинг ўзбек тилида яратилиши унинг нуфузини янада юксалтирди.

Ўртимиз бўйлаб ва халқаро майдонларда она тилимизда янграётган Давлат мадҳияси ҳам қалбларимизда Ватан туйғусини жўш урдиради.

Ўзбек тили ўтган йиллар давомида мамлакатимиздаги оқоздан ортиқ миллат ва элат вакиллари уни ўзаро боғлайдиган меҳр-оқибат тилига айланди.

Бундан беш аср муқаддам ҳазрат Алишер Навоий:

«Турк назмида қу мен тортиб аллам, Айлабдм ул мамлакатни айкалам», деб ёзган эди. Яъни, ул зот она тили байроғини баланд кўтариб, бутун эл-улусни, юртларни шу байроқ остида бириштирди, деб ёфтиҳор қилган.

Барчамизга яхши аёни, она тили – миллат маънавиятининг мустаҳкам пойдеворидир. Улуг маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний таъкидлаганидек, ҳар бир миллиятнинг дунёда борлигини кўрсатадиган ойнаи ҳаёти – бу унинг миллий тили ва адабиётидир.

Шу маънода дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашани мақсад қилиб қўйган ҳар қайси давлат аввало ўз халқининг миллий тили ва маданиятини асраб-авайлашга, ривожлантиришга интилади.

Мустақиллик йилларида она тилимизни том маънода давлат тилига айлантириш йўлида қатта чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу ўринда бир фикрга эътиборингизни қаратмоқчиман. Ҳозирги кунда Ер юзиди 7 миндан зиёд тил мавжуд бўлса, уларнинг фақат 200 га яқини давлат тили ёки расмий тил мақомига эга.

Шу нуктаи назардан қараганда, ўзбек тилига давлат тили мақомини ҳуқуқий жиҳатдан муҳрлаб берган маъзур қонуннинг ҳалиқимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Бу тарихий воқеадан сўнг лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш ҳақида яна бир муҳим қонун қабул қилинди.

Хурматли ватандошлар! Бугун жонажон Ўзбекистонимиз «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» деган устувор ғоя асосида ўз тараққиётининг янги босқичига дадил қадам қўймоқда. Барча соҳалар билан бирга давлат тилининг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш бўйича кенг қўлламли ишлар қилинмоқда.

Ҳозирги кунда ўзбек тили давлат тили сифатида сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий-ижтимоий, маънавий-маърифий ҳаётимизда фаол қўлланимда, халқаро минбарлардан баралла янграмоқда.

Давлатимиз томонидан маънавий ҳаётимизни янада ривожлантириш, жумладан, таълим-тарбия ишларини замон талаблари асосида ташкил этиш, маданият, санъат ва адабиёт соҳаларини такомиллаштириш, китобхонлик маданиятини ошириш бўйича қабул қилинган ўнлаб фармон ва қарорлар ўзбек тили раванқига бевосита хизмат қилмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, кейинги йилларда она тилимизда фаолият юритадиган юзлаб бочалар, мактаблар, олий ўқув юртилари, янги газет ва журналлар, теле-радио каналлар, нашриётлар, маданий-маърифий муассасалар, кутубхоналар ташкил этилаётганини қайт этиш лозим.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг фаолияти йўлга қўйилди. Бу ерда фольклоршунослик, диалектология, туркология, матншунослик каби йўналишлар очилди.

Бу борада янги ўқув дастурлари яратилаётгани, дарслик ва қўлланмалар, рисола ва монографиялар нашр этилаётгани, илмий анжуманлар, оммавий ахборот воситаларида ўзбек тилининг бугуни ва истиқболи ҳақида амалий тақлиф ва ташаббуслар билдирилаётгани ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Хабарингиз бор, азим пойтахтимиз марказидаги Миллий бoғ ҳудудида Адилпар хиббони бунёд қилинмоқда. Бу гўзал максадда барпо этилаётган ёдгорлик мажмуалари адабиётимизнинг бўлор намояндларини, ўзбек тилининг чинакам жонқуярлари хотирасига бағишлангани айниқса эътиборлидир.

Она тилимиз ва миллий адабиётимизни упуллаш, унинг боғ ҳазинаси, таровати ва нафосатини ёш авлодимизга етказиш мақсадида юртимизда атоқли шоир ва адибларимиз номларидиғи ижод мактабларини ташкил этилди. Мухаммад Ришо Оғажий, Исроҳон Ибрагим, Абдулла Қодирий, Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Эркин Вохидов, Абдулла Орипов, Ибройим Юсупов, Ҳалима Худойбердиева, Мухаммад Юсуф номидаги ижод мактабларида энг аввало ўзбек тили ва адабиётини, бадий ижод сирларини чуқур ўрганиш учун барча шароит яратилмоқда.

Ҳозирги вақтда ўзбек тилида сўзлашувчилар сони жаҳон миқёсида 50 миллион кишига яқинлашиб қолди. Бу она тилимизнинг дунёдаги йirik тиллардан бирига айлиниб бораётганидан далолат беради.

Бугунги кунда халқаро майдонда обрў-эътибори тобора юксалиб бораётган Ўзбекистонимизни дунёга таранум этишда она тилимиз ҳам қатта ҳисса қўймоқда.

Ўзбек тили Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Германия, Франция, Швеция, Россия, Украина, Хитой, Япония, Жанубий Корея, Хиндистон, Туркия, Афғонистон, Озарбайжон, Тожикистон, Қозоғистон, Туркменистон, Қирғизистон каби давлатларнинг 60 га яқин университети ва 100 дан зиёд мактабда ўрганилмоқда. Ўзбек тили ва адабиёти бўйича илмий изланишлар олиб бораётган чет эллик олим ва тадқиқотчилар сони йил сайин кўпаймоқда.

Шу борада мамлакатимизнинг хориждаги элчихоналари ва дипломатик ваколатхоналари қoшида «Ўзбек тилининг дўстлари» клублари ташкил этилаётганини биз ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги қувончимизга шерик бўлаётган чет давлатларнинг мухтарам элчиларига, халқаро ташкилотлар вакилларига уларнинг юртиларида ўзбек тилига кўрсатилаётган ҳурмат ва эътибор учун ташаккур изҳор этаман. Айниқса, Ўзбекистондаги хизмат фаолияти давомида ўзбек тилини ўрганиб, фаол мулоқот қилаётган хорижий дипломатларга алоҳида миннатдорчилик билдирмоқчиман.

Сизларга яхши маълум, яқинда Ўзбекистон Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига аъзо бўлди. Бу, ўз навбатида, нафақат ўзаро иқтисодий ҳамкорлиқни кучайтиришга, балки туркий тиллар, жумладан, ўзбек тилининг халқаро мақомини юксалтиришга хизмат қилади.

Кенгаш саммитида билдирган ташаббусларимиз, хусусан, қардош халқлар адабиётининг энг сара намуналари мужассам бўлган юз жилдлик «Туркий адабиёт ҳазинаси» китоблар туркумини аъзо давлатларнинг она тилларида нашр этиш тақдиримиз ижобий қабул қилинди.

Давлат тилини ривожлантиришга қаратилган ишларимизнинг мантйқий давоми сифатида бугун мамлакатимизда яна бир муҳим қадам қўйди. Мен бугун «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мақоми тўбдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекдим. Унга биноан «Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилинган қонунинг улкан тарихий ўрни ва аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда, 21 октябрь санаси юртимизда «Ўзбек тили байрами кун»и деб белгиланди.

Уйлайманки, ўзбек тили байрамининг мамлакатимиз ва халқаро миқёсда кенг нишонланиши халқимизнинг миллий руҳи ва гурурини юксалтириш билан бирга, давлат тилини ҳаётимизда тўлақонли жорий этишга хизмат қилади.

Ушбу фармонда она тилимизнинг келгуси тараққиётига оид қўллаб масалалар қаторида Вазирлар Маҳкамасида Давлат тилини ривожлантириш бўйича алоҳида тузилма ташкил этилганини ҳам сизларга маълум қилмоқчиман.

Бу тузилма давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинишини, соҳага оид муаммоларни таҳлил этиб, бу борада ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди.

Айни пайтда дунёда илм-фан ва технологиялар шиддат билан ривожланиб, мамлакатимизнинг халқаро ҳамкорлик алоқалари тобора кенгаймоқда. Натижада ҳаётимизга четдан қўллаб янги тушунча, сўз ва иборалар кириб келмоқда.

Глобаллашув шароитида миллий тилимизнинг софлигини сақлаш, унинг лугат бойлигини ошириш, турли соҳаларда замонавий атамаларнинг ўзбекча муқобилини яратиш, уларнинг бир хил қўлланишини таъминлаш долзарб вазифа бўлиб турибди.

Тўғриси айтиш керак, бу масалада ҳам оқсоқлигимиз бор эди. Шу муносабат билан фармонда янги сўз ва атамаларни расмий истеъмолга киритиш борасидаги ишларни тартибга соладиган Атамалар комиссиясини тузиш масаласини ҳам назарда тутдик.

Она тилимиз – миллий маънавиятимизнинг битмас-туганмас бўлуғидир. Шундай экан, унга муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш барчамизнинг нафақат вазифаси, балки муқаддас инсоний бурчимиздир.

Давлат тилига бўлган доимий эътибор ва ғамхўрлик мамлакатимизда бундан буён ҳам изчил давом эттирилади.

Қадрли юрдошлар! Маълумки, Ватанимиз неча юз йиллар мобайнида буюк цивилизация ва маданият марказларидан бири бўлган. Қадимдан диёримизда халқимиз билан бирга турли миллат вакиллари елкадош, аҳил ва ҳамжамият бўлиб, тинч ва осойишта муҳитда яшаб келадилар.

Ўз тилини ҳурмат қилган маърифатли эл бошқаларининг она тилига ҳам чуқур ҳурмат билан қарайди. Ўзбекистондаги бағрикенглик сиёсати туфайли, ҳозирда юртимизда ягона оила бўлиб яшаётган 130 дан зиёд миллат ва элат вакилларига ўз она тили, урф-одат ва қадриятларини ривожлантириш учун ҳамма шарт-шароитлар яратилмоқда. Тошкент шаҳри ва жойларда фаолият кўрсатаётган 140 га яқин миллий маданий марказ айнаи шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда таълим-тарбия муассасалари ва оммавий ахборот воситалари ўзбек тили билан бирга қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман тилларида фаолият олиб бораётгани халқаро жамоатчилик томонидан ижобий ҳодиса сифатида эътироф этилмоқда.

Дона халқимиз «Тил билган – эл билади» дейди. Бу борада буюк боболаримиз ибрат ва намуна кўрсатганлар. Хусусан, Мусо Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Имом Бухорий, Аҳмад Фарғоний, Маҳмуд Замахшарий, Алишер Навоий каби улуг аждодларимиз ўнлаб тилларни пухта билганлари учун ҳам жаҳон илм-фанининг юксак чўққиларини забт этганлар.

Бугунги кунда юртимиздаги таълим масканларида инглиз, рус, немис, француз, испан, италян, араб, форс, турк, хитой, япон, корейс, хинд ва урду тиллари чуқур ўқитилаётгани бу анъаналар давом этаётганининг ёрқин ифода-сидир.

Биз ёшларимизнинг жаҳон тилларини эгаллашга бўлган улкан қизиқиш ва интилишларини ҳар доим қўллаб-қувватлаймиз.

Мен бугун азиз болаларимизга мурожаат қилиб, улуг аллома, XX аср бошида олти тили – ўзбек, араб, форс, хинд, турк ва рус тилларида лугат тузган Исроҳон Ибрагимнинг мана бу ҳикматли сўзларини эслатмоқчиман: «Бизнинг ёшлар албатта бошқа тилини билиш учун сай-ҳаракат қилсинлар, лекин аввал ўз она тилини кўзларига тўтиб қилиб, эҳтиром кўрсатсинлар. Зеро, ўз тилига садоқат – бу ватанин ишидир».

Уйлайманки, бу сўзларга ортиқча изоҳнинг ҳожаги йўқ.

Хурматли анжуман қатнашчилари! Она тилимизнинг давлат ва жамият ҳаётидаги таъсири ва мақоми янада ошириш бўйича олдимизда ўта муҳим ва долзарб вазифалар турибди.

Аввало, бундан ўттиз йил муқаддам қабул қилинган «Давлат тили ҳақида»ги қонунни бугунги кун талаблари нуктаи назаридан ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиб, такомиллаштириш зарурати сезилмоқда.

Яна бир муҳим вазифа фундаментал тадқиқотлар, замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, саноат, банк-молия тизими, юриспруденция, дипломатия, ҳарбий иш, тиббиёт ва бошқа тармоқларда давлат тилини тўлақонли қўллаш билан боғлиқ.

Ўзбек тилининг қўлланиш доирасини кенгайтириш, мамлакатимизда яшаётган турли миллатларга мансуб ватандошларимизнинг давлат тилини ўрганишлари учун тегishли шароит ярати бериш, юртимизда ва хорижда ўзбек тилини ўргатадиган ўқув марказларини қўпайтириш зарур.

Шу мақсадда янги дарсликлар, қиёсий ва турли соҳаларга оид лугатлар, иш юритиш ва сўзлашув қўлланимлари нашр этиш, лотин ёзуви асосланган ўзбек алифбосини такомиллаштириш, бу тизимга тўлиқ ўтиш бўйича ҳали қўп иш қилишимиз керак.

Шунингдек, ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятлари, шевалари, тарихий тараққиёти, унинг истиқболи билан боғлиқ илмий тадқиқотлар самарасини ошириш, қадрлар тайёрлаш сифатини тўбдан яхшилашга эришмоғимиз зарур. Бу ишлар учун молиявий ресурслар ва маблағларни асло аямаслигимиз керак.

Ўзининг бебаҳо асарлари билан она тилимизнинг қадрини ва қаддини тиклаган буюк мутафаккир аждодимиз Алишер Навоий ҳаёти ва ижодининг мукаммал энциклопедиясини яратиш ҳам олдимизда турган долзарб вазифадан биридир.

Айни пайтда аҳоли, айниқса, ёшларимиз турли маълумотларни асосан Интернет ва ижтимоий тармоқлардан олмоқда. Бинобарин, она тилимизни жозибали ва қизиқарли тарзда тақдим этиш, бунинг учун ўзбек тилининг компьютер дастурларини, онлайн дарсликлар, электрон лугатларини яратиш керак. Интернет имкониятларидан тўлиқ фойдаланиб, ўзбек тилини кенг тарғиб этиш бўйича ишларимизни кучайтиришимиз лозим.

Давлат тили масаласи миллий ғоямизнинг асосий тамойилларидан бири бўлиши зарур. Ёш авлод қалбига она тилимизни болаликдан синдириш мақсадида таълимнинг барча босқичларида ўзбек тилини замонавий ва инновацион технологиялар асосида мукаммал ўргатишга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Токи, болаларимиз ўзбек тилига равон ўқийдиган, равон ёзадиган ва теран фикрлайдиган инсонлар бўлиб етишсин.

Жамиятимизда тил билан боғлиқ энг қўп муҳома қилинаётган, ҳақли эътирозларга сабаб бўлаётган мавзу – бу жой номларини белгилаш масаласи, десак, хато бўлмайди.

Афсуски, жамоат жойларида, кўчаларда, биналар пештоқига топоним қилинган, турли лавҳа ва рекламалар кўпинча хорижий тилларда, маънавиятимизга ёт мазмун ва шаклларда акс эттирилмоқда. Бу давлат тили талабларига, миллий маданият ва қадриятларимизга бепасандликдан, умумий саводхонлик даражаси эса тушиб кетаётганидан далолат беради.

Шу муносабат билан, Вазирлар Маҳкамаси Атамалар комиссияси билан биргаликда ушбу масалаларни кенг жамоатчилик иштирокида жиддий ўрганиб чиқиши ва тартибга солиши зарур.

Чунки ижтимоий объектларга ном бериш – бу шунчаки шахсий ёки хусусий иш эмас. Бу барчамизнинг ватанпарварлиги ва маънавий савиямизни яққол кўрсатадиган ўзига хос мезондир. Бун и ҳеч ким ҳеч қачон унутмаслиги керак.

Биз халқимизнинг тақдири, эртанги кун ҳақида уйлар эканмиз, энг аввало, миллатимизнинг асл фазилатларини, гўзал урф-одатларини, бетақор санъатини ва адабиётимизни, она тилимизни кўз қорачиғидай сақлашимиз зарур.

Мухтасар айтганда, ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборини мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қондасига айлантиришимиз лозим.

Бу олижаноб ҳаракатни барчамиз ўзимиздан, ўз оиламиз ва жамоамиздан бошлашимиз, она тилимизга, урф-одат ва қадриятларимизга ҳурмат, Ватанга меҳримизни амалий фаолиятда намоён этишимиз керак.

Мухтарам ватандошлар! Сизларни ва бутун халқимизни ўзбек тили байрами билан яна бир бор чин қалбимдан табриқлайман.

Барчангизга сийҳат-саломатлик, оилаларингизга файзу барака, бахту саодат тилайман. Ўзбек тили – она тилимизнинг нуфузи, обрў-эътибори янада зиёда бўлсин! Шундай бебаҳо бойлик соҳиби бўлган, уни ҳаммаша асраб-авайлаб келаётган азиз халқимиз омон бўлсин!

Эътиборингиз учун раҳмат.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ДАВЛАТ ТИЛИ СИФАТИДАГИ НУФУЗИ ВА МАВҚЕИНИ ТЎБДАН ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

давлат тилининг амал қилиши билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан, шунингдек, уни ривожлантириш соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш бўйича тақлифлар тайёрлаш; ўзбек тилининг ёзма нутқи меъёр ва қоидаларини ишлаб чиқиш бўйича ҳамда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини тўлиқ жорий этиш борасидаги ишларни жадаллаштириш;

давлат тилини ривожлантириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

давлат тилини ривожлантириш бўйича дастурлар ва «йўл хариталарини» ишлаб чиқиш, уларнинг амалга оширилишини назорат қилиш, шунингдек, «Ўзбек тили байрами кун»и нишонлаш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

илмий асосланган янги сўз ва атамаларни истеъмолга киритиш, замонавий атамаларнинг ўзбекча муқобилларини яратиш ва бир хилда қўлланишини таъминлаш, географик ва бошқа топонимик объектларга қонун ҳужжатларида мувофиқ ном берилиши борасидаги фаолиятни мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш; давлат тилини ривожлантиришга оид илмий-тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш, бу соҳада халқаро ҳамкорлиқни амалга ошириш.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

а) уч ой муддатда:

«Ўзбек тили байрами кун»и белгилаш бўйича қонун лойиҳасини;

«Давлат тили ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини бугунги кун талаблари нуктаи назаридан такомиллаштирган ҳолда унинг янги тахрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин;

б) икки ой муддатда хорижий давлатлар тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда илмий асосланган янги сўз ва атамаларни расмий истеъмолга киритиш бўйича Атамалар комиссиясини ташкил этиш ва унинг фаолиятини тартибга солиш тўғрисида қарор қабул қилин;

в) 2020 йил 1 июнга қадар қуйидаги асосий йўналишларни ўз ичига олган 2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ҳамда тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси ва давлат дастури лойиҳаларини киритсин:

мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида, жумладан, давлат бошқаруви, замонавий

«Давоми, бошланиши 1-бетда».

## МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТИМИЗНИНГ БИТМАС-ТУГАНМАС МАНБАИ

Ана шундай бир пайтда, миллий истиқлол арафасида халқимиз ўз она тилини – миллий гурурини сақлаб қолди. Миллатпарвар зиёлилар, тилимиз фидойиларининг жонқуярлиги натижасида 1989 йил 21 октябрь кун қабул қилинган қонунга асосан, ўзбек тили мамлакатимизда давлат тили мақомига эга бўлди. Мустабид тузум даврида ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши Ватанимиз мустақиллиги сари қўйилган дастлабки дадил қадам эди.

Ҳар қайси халқнинг она тили унинг миллий руҳи ва ўз-лигининг, миллий ғоясининг асосини ташкил этади. Тил ва халқ тушунчалари барча замонларда ўзаро уйғун ҳолда идор қилинган. Тилсиз халқ ва халқсиз тил бўлмайди.

Бугунги кунда мамлакатимизда шаклланган одил ва ҳолис тил сиёсати натижасида ўзбек тили нуфузли минбарлардан янграмоқда, хорижий мамлакатларда ўзбек тилини ўрганишга иштиёқ тобора кучаймоқда. Ўзбекистоннинг яқинда Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига аъзо бўлиб қўшилгани ҳамда Озарбайжоннинг Боку шаҳрида бўлиб ўтган ташкилотнинг навбатдаги саммитида тенг ҳуқуқли аъзо сифатида иштирок этгани ўзбек тилининг нуфузини ошириш йўлидаги муҳим қадамлардан бўлди.

Президентимизнинг жорий йил 4 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарори дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тилини упуллаш,

«Давоми, бошланиши 1-бетда».



## ТИЛ – МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

Айни кунларда мамлакатимиз бўйлаб ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганининг 30 йиллиги кенг нишонланмоқда. Она тилимизнинг асосларини ўрганиш, миллий қадриятларимизга, ўз она тилимизга муҳаббат ва садоқатни аҳоли, айниқса, ёшлар онгига чуқур синдиришга қаратилган тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.

Бугун 21 октябрь – ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кун муносабати билан байрам тадбири ўзбек тилига чуқур ҳурмат ва эҳтиром рамзи сифатида пойтахтимиздаги Алишер Навоий хайкали пойига гуллар қўйиш билан бошланди.

Шу муносабат билан ташкил этилган байрам тадбирида вазирликлар, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмиси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблари ривожлантириш агентлиги, давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

инновацион технологиялар, саноат, банк-молия тизими, ҳуқуқшунослик, дипломатия, ҳарбий иш, тиббиёт ва бошқа соҳаларда давлат тилининг имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланишга эришиш;

таълим муассасаларида давлат тилини ўргатиш ва уни билиш даражасини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш, давлат тилининг илм-фан тили сифатидаги нуфузини ошириш;

давлат тили софлигини сақлаш, уни бойитиш бориш ва аҳолининг нутқ маданиятини ошириш;

давлат тилининг ахборот ва коммуникация технологиялари, хусусан, Интернет, Интернет ахборот тармоғида муносиб ўрин эгаллашани таъминлаш, ўзбек тилининг компьютер дастурларини яратиш;

«Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини танқидий таҳлилдан ўтказиш, тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш зарур.



Суратда: икки университет ректорлари ҳам «Ўзбекистон овози»ни ўқшади.

## Самарқанд ва Истанбул университетлари ҳамкорлиги

қардош ўлкаларнинг қадимий таълим даргоҳлари салоҳиятини янада оширишга хизмат қилади

Туркий ва исломий маданиятнинг энг қадимий бешикларидан бўлган Самарқандда қилган сафаримиз Истанбул ҳамда Самарқанд университетлари ўртасидаги ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида муҳим қадам бўлди. Бу қутлуг таълим даргоҳига тақлиф этгани учун Самарқанд давлат университети ректори, профессор Рустам Холмуродовга чин кўнгилдан миннатдорлик билдираман.

Туркиянинг қадимий илмларига эга бўлган Истанбул университети санъат соҳасидан сиёсий фанларгача, табиий фанлардан илҳом толовчи бўлган кўп тармоқли таълим дастурларига эга бўлган даргоҳ, у мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий тараққиёти ва илм-фан ривожига олдинги сафларда бўлиб келмоқда. Истанбул университетининг филология факультетида икки нафари Нобель мукофотиغا сазовор бўлган ҳам шундан далolat беради. «Тарихдан келажакка қўрилган кўприк» шиори билан ҳаракат қилувчи университетимизнинг Боязид майдонидаги муҳташам дарвозаси юртимиздаги университет тушунчасининг рамзига айлангандир.

Жаҳон тарихида муҳим ўрин тутувчи Истанбул шаҳрининг фатҳи (1453) факатгина Усмонли салтанатининг сиёсий ҳаётида эмас, балки таълим тарихи нуктаи назаридан ҳам янги бир бошланғичдир. Султон Меҳмед Фотиҳ шаҳарни олгандан кейин дарҳол уни бир илм-фан марказига айлантириш ва шаҳарнинг турли қисмларида илм-фан ва ибодат марказларини барпо этиш вазифасини қўйди. Ана шундай одимлардан бири Аясофия масжидининг ёнидаги монастир биноларини мадрасага айлантирилиши ва уларда ўз даврининг энг юксак стандартлари даражасида таълим берилишига эришилгани бўлди. Ушбу мадрасага машҳур ўзбек олими Мирзо Улугбекнинг шоғирди Али Қушчининг мударрис этиб тайинланиши нафақат бугунги Ўзбекистон билан илмий алоқаларнинг ўрнатилиши, балки университетимизда илмий анъаналарнинг шаклланишида ҳам муҳим ўрин тутди.

Истанбул фатҳи билан ўз тарихини бошлаган Истанбул университети ҳар доим бўлиб келганидек, бугунги кунда ҳам энг илгор ва етакчи таълим даргоҳи бўлиш миссиясини бажариб келмоқда. Университетимизнинг Истанбул шаҳрининг турли қисмларида ёрилган 16 факультети, 12 илмий-тадқиқот институти, икки олий мактаби, икки касб-хунар олий мактаби, 2 бўлими ва 77 тадқиқот маркази мавжуддир.

Бу таркибий бўлинмаларда 90 минг талаба таълим олади. Сиртки таълим ва масофавий таълим йўналишида тахсил олаётганлар билан университетимизда жами 419 минг талаба бор. Улардан 8200 нафари чет элликлардир. Истанбул университети жами 720 халқаро ҳамкорлик шартномаларига эга бўлиб, Эрасмус, Мавлоно, Фаробий талаба ва ўқитувчи айрибошлаш дастурлари доирасида улар билан таълимий ҳамкорликни амалга оширмоқда. Бу шартномалар дунёнинг барча ўлкаларидаги олий ўқув юрларини қамраб олса-да, шунинг алоҳида таъкидлашни хоҳлардимки, азалги қардошлик алоқаларимиз бўлган туркий давлатларидаги университетлар билан илмий-таълимий алоқаларни ривожлантиришни Истанбул университетининг биринчи даражали вазифаси этиб белгиланганми.

Мамлакатнинг муҳим илмий-тадқиқот маркази бўлган университетимизнинг энг долзарб вазифаларидан бири замонавий билим ва технологиялар соҳасида ҳам пешқадам бўлишдир. Бу мақсадга эришиш учун дунёнинг турли минтақаларидаги илгор илмий-тадқиқот марказлари билан алоқалар ўрнатиш ва яқин илмий ҳамкорликни амалга оширишга алоҳида эътибор бериб келмоқдамиз. Самарқанд



давлат университети ана шундай илм-фан ва таълим марказларидан биридир.

Истанбул университети билан Самарқанд давлат университети ўртасида ўтган йиллар давомида таълим соҳасидаги ҳамкорликни йўлга қўйиш учун ҳаракат қилдик. 2019 йил апрель ойида шартнома имзоладик. Бу академик, илмий ва маданий ҳамкорлик шартномаси доирасида амалга оширилаётган муҳим ишларимизни муҳокама қилиш ва амалий одимларни отиш учун 2019 йил сентябрь ойида Самарқанд давлат университетига ташриф буюрдик.

Самарқанд давлат университетида ташрифимиз чоғида университетларимиз ўртасидаги ҳамкорликни 2020 йилдан бошлаб қуйидаги тўрт йўналишда амалга оширишга қарор қилдик. Биринчиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти муҳтарам Шавкат Мирзиёев ташаббуси ва тақлифи билан ташкил этилган СамДУнинг Халқаро таълим марказида «Тил маркази» ташкил қилиш ва унда Истанбул университетининг бу борадаги буюқ тажрибасидан унумли фойдаланиш, туркча ва инглизча дарсларни халқаро сертификат бериш даражасида олиб борадиган профессор-ўқитувчиларни Истанбул университетидан юбориб, бу иш оёққа турғунига қадар уларнинг хизмати ва тажрибасидан фойдаланиш. Кейинги мақсадимиз 2020 йилда Самарқанд университети билан биргаликда «Тарихда ва бугунги кунда туркий республикаларида таълим ва илм-фан соҳасидаги ўзаро алоқа ва ўзаро таъсир» мавзусида халқаро конференция ташкил этиш ҳамда бутун турк юрларидан, туркий дунёдан келадиган олимлар билан бу хусусда чуқур илмий мулоқот ва муҳокамалар уюштиришдан иборат. Шунингдек, фармакология, аниқроғи, шифоли ўсимликлардан табиий дорилар ишлаб чиқариш технологияси бўйича СамДУ билан қўшма таълим дастурини йўлга қўйишни бошлашдир. Бу юртингиздаги минглаб доривор ўсимликлардан табиий, зарарсиз дориларни ишлаб чиқаришга хизмат қиладиган технология ва мутахассисларни тайёрлашга хизмат қилади. Ҳамкорлигимизнинг тўртинчи соҳаси икки университет ўртасида талаба ва профессор-ўқитувчиларни айрибошлашни йўлга қўйишдир. Бу иш талабаларимиз ва ўқитувчиларимиз ўртасида илмий-таълимий ҳамкорликни йўлга қўйиш билан бирга инсоний ва қардошлик ришталаримизни ҳам мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Умид қиламизки, Самарқанд давлат университетида қилган зияратимиз университетларимиз ўртасида имзоланган шартномани амалга ошириш йўлида қўйилган муҳим қадам ҳамда келгусида амалга оширилаётган ҳамкорлигимиз нуктаи назаридан йўл харитаси ҳамдир.

Профессор Маҳмуд АҚ, Истанбул университети ректори.

## ТОПОНИМИКА ХАЛҚ КАДРИЯТИ ДЕМАКДИР

Афсуски, республикаимизнинг турли ҳудудларида Хасанқовоқ, Галлақассоб, Хирабек, Чойфуруш, Чақир-чуқур, Ўпка, Тентак, Қўшасигир, Гегирдак, Сутхўр, Бешкал каби жой номлари ҳамон сақланиб қолмоқда.

Ҳозирги жамиятни, замонавий цивилизацияни, халқлар ва мамлакатлар ўртасидаги ҳар қандай алоқаларни географик номларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Жой номлари чуқур илмий, сиёсий, амалий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, хилма-хил тарихий шароитлар ва тиллар тақомиланинг маҳсули ҳисобланади. Топонимика дунёдаги барча инсониятнинг, халқ маънавияти ва маърифатини белгилловчи воситалардан бири сифатида географик номларни, яъни жой, сув ва бошқа объектларнинг номлари, уларнинг маъномазмуни, келиб чиқиши ва тарихини ўрганади.

Республикаимизда 2011 йил «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинганга қадар географик объектларнинг номлари соҳасидаги муносабатларни 1996 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тўзилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги Қонун асосий ҳужжат бўлиб келган.

Бунда, маъмурий-ҳудудий бўлиниш, аҳоли пунктларининг номлари борасида бўлаётган ўзгаришлар умумдавлат даражасида ҳисобга олинмаган. Республикадаги барча аҳоли пунктлари номларининг расмий рўйхати мавжуд бўлмаганлиги сабабли, уларни қайта номлаш ва ҳисобга олиш йўлга қўйилмаган эди.

Географик объектлар номларини ёзиш масалалари бўйича ихтисослашган хизматларнинг йўқлиги географик объектлар номларининг хариталарда ноаниқ, баъзида эса бузиб ёзилишига сабаб бўлиб келган.

«Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши географик объектлар номларини қўллашнинг асосий принципларини юридик жиҳатдан мустаҳкамлади, географик объектларнинг номлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солишни тақомиллаштиришга қаратилган ягона давлат сиёсати, географик объектларнинг номларини белгилаш ва нормаллаштиришга ягона илмий-услубий ёндашув, географик объектларнинг номларини Ўзбекистон Республикаси халқлари тарихий ва маданий меросининг таркибий қисми сифатида тўғри қўллаш ҳамда сақлаш имконини берди.

Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, аҳоли пунктларига ҳамда кўчалар, шоҳўчалар, маҳаллалар, майдонлар, боғлар ва аҳоли пунктларининг бошқа таркибий қисмларига одамларнинг исми-шарифини беришга, шунингдек, уларни тарихий воқеалар шарофига номлашга, қоида тартибига, йўл қўйилмаслиги белгиланган. Шу муносабат билан ўтган вақт мобайнида ҳудудлардаги топонимика комиссиялари билан биргаликда республика бўйича жами 20 360 та шахс номларида бўлган, қонун ҳужжатларига тўғри келмайдиган ва номсиз географик объектлар қайта номланди. Ёзилиш шаклларида хатоликлар бўлган номлар географик объектлар номларининг ўзбек тилида ёзилиши қоидалари асосида нормаллаштирилди.

Давергеодекадр қўмитасининг эксперт комиссияси томонидан 2017 йилда 369, 2018 йилда 2 155, 2019 йилнинг 9 ойи давомида 36 653 географик объектлар номларига оид тақлифлар қўриб чиқилди. Тақдим этилган номлар илмий ва амалий таҳлил қилиниб, Қонуннинг талабларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги нуктаи назардан текширилди ва тегишли эксперт хулосалари тақдим этилди.

Географик объектларни асоссиз қайта номлашнинг, уларга Ўзбекистон халқининг миллий анъаналари ва менталитетига ёт бўлган номлар берилишининг олдини олиш, ушбу соҳада ошанга-ойингачилик, хизмат мартабасини суиестемол қилиш ҳолларига йўл қўйилмаслиги мақсадида географик объектларни номлаш ва қайта номлаш жараёнининг ҳолисона ҳамда ошқора бўлишини таъминлаш бўйича комплекс тадбирлар асосида иш олиб боришмоқда.

Туманлар, шаҳарлар, вилоятларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлари илтимосномалари асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қиритан тақлифга қўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан амалга оширилди.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида жойлашган туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, аҳоли пунктларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш туманлар, шаҳарлар ҳокимларининг тақлифига қўра, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан амалга оширилди.

Шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, аҳоли пунктларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш туманлар ҳокимларининг тақлифига қўра, халқ депутатлари вилоятлар Кенгашилари томонидан амалга оширилди.

Аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига (маҳаллалар, шоҳўчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонларга) ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, таъшиллотларнинг илтимосномалари асосида туманлар, шаҳарлар ҳокимлари қиритан тақлифга қўра, халқ депутатлари туманлар, шаҳарлар Кенгашилари томонидан амалга оширилди. Шаҳарлар таркибига кирувчи туманларда тақлифлар туманлар ҳокимлари томонидан халқ депутатлари шаҳарлар Кенгашиларига киритилди.

Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ Давергеодекадр қўмитаси географик объектларга ном бериш соҳасидаги махсус орган ҳисобланади. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги 295-сонли қарорига мувофиқ Давлат кадастрлари, геодезия ва картография миллий марказида Республика топонимика хизмати ташкил этилиб, хизмат қийдаги функцияларни амалга ошириб



келмоқда:

Географик объектларга ном бериш ва уларни қайта номлаш тўғрисидаги тақлифларни белгиланган тартибда давлат экспертизасидан ўтказиш;

Географик объектларнинг номларини мақбуллаштириш ҳамда давлат рўйхатидан ўтказиш;

Географик объектларнинг номлари давлат реестрини юритиш;

Географик объектларнинг номлари соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш (географик объектларнинг номларини бир тилдан бошқасига ўтказиш бўйича йўриқномалар, жойни ўзида топонимик жиҳатдан текшириш бўйича қўлланмалар, географик объектларнинг номларини белгилаш ва бошқалар);

Географик объектлар номларининг давлат реестрига киритилган географик объектларнинг номлари тўғрисидаги ахборотни юридик ва жисмоний шахсларга белгиланган тартибда тақдим этиш;

Республика топонимика хизмати томонидан республика ҳудудида жойлашган географик объектларнинг номларига оид маълумотларни Давлат реестрига киритиш ишлари амалга ошириб келинмоқда.

Бугунги кунда географик объектларнинг номлари давлат реестрининг маълумотлар базасида мавжуд объектлар номлари сони 86 509 бўлиб, шундан маъмурий-ҳудудий бириклар номлари 15, аҳоли пунктлари номлари 14 156 тани, аҳоли пунктларининг таркибий қисмлари номлари 64 676 тани, табиий объектлар номлари 5 955 тани, транспорт ва муҳандислик-техника инфратузилмаси объектлари номлари 1 707 тани ташкил қилади.

Географик объектларнинг номлари давлат реестри маълумотлари асосида «Картография» ДИИЧК корхонаси томонидан 2016 йилда қўмита томонидан монументал картография асар, Ўзбекистон Республикасининг Географик атласи ишлаб чиқилди. Ҳозир Вазирлар Маҳкамаси фармоишига асосан қўмита томонидан давлат реестри маълумотларидан фойдаланиб, Ўзбекистоннинг Миллий атласи ишлаб чиқилмоқда. 2018 йилда бошланган бу иш 2020 йилда ниятсизга ўтказилди.

Бундан ташқари, географик объектлар номларининг давлат реестри маълумотларидан қўмита тизимидagi ташкилотлар: аэрогеодезия, кадастр ва ер йўналишидаги корхоналар томонидан топография, географик, кадастр, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа тематик хариталарни яратишда ҳам фойдаланиб келинмоқда.

Республика топонимика хизмати томонидан Қишлоқ ҳўжалиги, Сув ҳўжалиги, Иқтисодиёт ва саноат, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Давлат статистика қўмитаси, УЗР ФАНИнг Сейссмология институти, «Ўзбекте-леком» АҚ, «ЎЗҒАШҚЛИТИ» ДУК ташкилотларига ҳам маълумотлар тақдим этиб боришмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 октябрдаги «Сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Республика топонимика хизмати томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказилган хатлов натижалари бўйича тақдим этилган 342 537 кўча номлари экспертизадан ўтказилди.

Ҳудудлардаги комиссия масъулларини Давлат кадастрлари, геодезия ва картография миллий маркази қошидаги ўқув марказида Республика топонимика хизмати мутахассислари билан ўзаро ҳамкорликда иш олиб борилишига эришиш мақсадида июнь-август ойларида малака ошириш бўйича ўқув курслари ташкил этилди.

Географик объектларнинг номлари давлат реестри рўйхатига олинмадиган номларни нормаллаштириш ва давлат экспертизасидан ўтказиш учун географик объектларнинг номлари соҳасида «Ўзбекистон Республикаси географик объектлари номларининг ўзбек тилида ёзилиши йўриқномаси» ва «Қорақалпоғистон Республикаси географик объектлари номларининг ўзбек тилида ёзилиши йўриқномаси» ишлаб чиқилмоқда.

МДХ давлатлари иштирокидаги Геодезия, картография, кадастр ва ерни масофадан туриб зондлаш бўйича давлатлараро Кенгаш доирасида топонимика хизматлари билан ҳамкорлик қи-

либ келинмоқда. Бунда, ҳар йили бир марта МДХ давлатлари иштирокидаги географик номлардаги ўзгаришларнинг Электрон биоплетенидаги Ўзбекистон бўлими бўйича маълумотлар актуаллаштирилади, янги номлар бўйича ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилади, белгиланган номларнинг географик координатлари тўлдирилади. Росреестр томонидан бу маълумотлар асосида лойиҳавий очик картографик ресурс яратилди. Ўзбекистонда географик объектлар номлари бўйича интерактив харита ишлаб чиқиш кўзда тутилмоқда.

Қонун ижросини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган ишлар жараёнида бир қатор муаммоларга ҳам дуч келинмоқда. Жумладан, «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасида қўрсатилган «Ўзбекистон тарихида чуқур из қолдирган шахсларнинг тасдиқланган рўйхати мавжуд эмас. Бу ҳолат кўчалар, маҳаллалар ва аҳоли пунктларининг бошқа таркибий қисмларига шахслар номларини бериш тўғрисидаги тақлифларни давлат экспертизасидан ўтказишда қийинчиликларни юзга келтирмоқда. Аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига шахслар номларини бериш тўғрисидаги тақлифларни давлат экспертизасидан ўтказишда фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Маданият вазирлиги ҳамда вилоят ҳокимликлари билан ҳамкорликда «Ўзбекистон тарихида чуқур из қолдирган шахслар»ни қўрсатувчи категорияларни жорий этиш лозим.

Қонунда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан географик объектларга ном берилганлиги ва уларнинг номлари ўзгарганлиги тўғрисидаги маълумотларни давлат реестрига киритиш учун 10 кун муддатда Давергеодекадр қўмитасига юборилиши белгиланган бўлса-да, лекин жойлардаги географик объектларга ном бериш ва қайта номлаш комиссиялари томонидан ушбу талаб бажарилмай келинмоқда, бундан ташқари, жойлардаги комиссиялар тарихида малакали мутахассисларнинг етishмаслиги ва улар фаолиятининг сустлиги ҳам ушбу ишларни тўлақонли бажаришда тўсқинлик қилмоқда.

Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги нуктаи назаридан уларни давлат экспертизасидан ўтказиш учун ҳудудий комиссиялар томонидан тақдим этилган маълумотлар маъмурий-ҳудудий бирикка боғланмасдан ёки нотўғри боғланган ҳолда давлат экспертизасига тақдим этилиши туфайли, қонуннинг 4-моддасида талаб этилган маъмурий-ҳудудий бирик доирасида айнан бир хил ном берилишига йўл қўйилмаслигини ўрганишда муаммолар пайдо бўлмоқда.

Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича ҳудудий комиссиялар томонидан аҳоли пунктлари ва аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига Қонуннинг 4-моддасига зид номлар қўйилишига эътиборсизлик билан қараш катта муаммолардан биридир. Масалан, Андижон вилоятида Хасанқовоқ, Хасан-Хусан, Ювшо, Арқочна, Асфальт, Гараж, Стадион, ДАН орти, Дўстлик тўғри, Иморат, Яшасин, Хирабек, Чойфуруш, Чопагон каби, Жиззах вилоятида: Жанон, Пучугой, Чақир-Чуқур, Қўкёнгёқ каби, Самарқанд вилоятида Човли, Чигирткали, Ўпка, Тентак, Полопон, Тарвузтовоқ, Холажон, Энамяхши, Дамқорин, Эркинбафас, Кампирўлдибулоқ, Кечкекелди, Отўлдибулоқ, Галақассоб, Райимқулқўса, Йўғонтаёқ, Каптаўстин, Қўшасигир, Мирзабачча, Хина каби, Сурхондарё вилоятида: Кетмон, Пушти-варақ, Гегирдак, Газкўча, Қизилдехқон, Меҳнат Озод, Химия, Шағал каби номлар учрайди.

Хулоса ўрнида шунини айтиш кераки, географик объектлар номларини тизимлаштиришда, ҳуқуқий қўлланлишида турли хил ёндашувларнинг олдини олиш, тарихий шаклланган жой номларини акс эттириш мақсадида амалдаги «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини танқидий таҳлилдан ўтказиш, тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш ва умумхалқ муҳокама-сига қўйишни давлатнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Гулноз ҒАЙПОРОВА, Республика топонимика хизмати бошлиғи.

## Спорт зали йўқ, Поп туманидаги синфхоналар етишмаётган мактаблар.



Авваллари марказдаги бирор ташкилотдан раҳбар ёки вакил қишлоққа, маҳаллага бориб қолса, ҳамма ҳайрон бўларди. Ҳозир эса катта лавозимлардагиларнинг чекка қишлоқларга бориши ҳам оддий ҳолга айланиб қолди. Чунки халқ манфаатларини кўзлаб, сиёсат олиб борилаётган жамиятда улар одамлар орасида бўлиб, фуқароларнинг турмуш тарзи, муаммоларини ўрганмоқда. Бу борада, айниқса, депутатлар халққа энг яқин кўмакчига айланди. Шунинг билан алоҳида таъкидлаш лозимки, депутатларнинг халқ билан яқинлашиши, уларнинг дардини, фикрларини ва таклифларини эшитиши, аҳолининг турмуш тарзи ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш ўз-ўзидан Қонунчилик палатаси ишини ҳам мутлақо ўзгартириб юборди, унга янгича мазмун ва моҳият бағишлади.

## Ва ниҳоят депутатлар талаби амалга ошяпти

Қонунчилик палатаси депутатларининг сайловчилар билан доимий мулоқоти, уларнинг ҳудудларга чиқиш тизими, жойлардаги ҳолатни ўрганиш, таҳлил қилиш, жамоатчиликни ташвишлантираётган муаммоларни бартараф этиш чораларини кўриш амалиёти тубдан тақомиллаштирилди.

Бу эса табиийки, иш самардорлигини оширди. Муҳими, долзарб муаммолар ҳал қилина бошланди. Келинг, мисолларга тўхталайлик. Бундан уч йил муқаддам аҳолига ноқулайлиқлар туғдираётган муаммолардан бири уларга кўрсатилаётган коммунал хизматларнинг сифати билан бевосита боғлиқ эди. Соҳадаги мавжуд тартиб-қоидалар аҳолининг ҳақли эътирозини келтириб чиқараётганди. Дейлик, табиий газни ҳисобга олиш ускуналарини (ҳисоблагичларни) белгиланган муддатда қиёсловдан ўтказиш ва қайта ўрнатиш учун фуқаролар ҳудудий коммунал ташкилотларда ҳужжатларни расмийлаштиришга бир неча кунлаб вақт сарфлашга мажбур бўларди. Жумладан, аҳоли ҳисоблагичларни давлат қиёсловдан ўтказиш учун 50-100 км. масофа босиб, вилоят марказига боришга ҳамда 30 кунгача кутишга мажбур бўларди. Сабаби «Ўз-стандарт» агентлигининг бўлимлари ҳамма ҳудудда ҳам мавжуд эмасди. Масалан, Қўнғирот тумани аҳолиси 110 км. узоқликдаги марказга — Нукус шаҳрига, Яккабўғ тумани аҳолиси 80-90 км. олисдаги Қарши шаҳрига боришдан ўзга чораси йўқлиги депутатлар танқидига, ҳақли эътирозларига сабаб бўлганди. Бу масалаларнинг ечими юзасидан ўз вақтида Ҳукуматга парламент сўрови юборилди. Ҳўш, унинг натижасида нималар ўзгарди?

Парламент сўровига жавобан 2018 йил 12 январда қабул қилинган ҳукуматнинг қарори билан кўпгина муаммолар ўз ечимини топди. Хусусан, электр энергияси, табиий газ, ичимлик ва иссиқ сувни ҳисобга олиш ускуналарини, яъни ҳисоблагичларни қиёсловдан ўтказиш учун ечиш ҳамда қайта ўрнатиш хизмат кўрсатувчи ташкилотлар зиммасига юклатилди.

Бу орқали аҳолига қатор қулайлиқлар яратилди. Лекин соҳада ҳали ҳамон ечимини кутаётган муаммолар мавжуд. Шу сабабли, Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари кўмитаси «Ўзстандарт» агентлиги билан ҳамкорликда шу каби ўз ечимини кутаётган масалалари бўйича иш олиб борди. Натижада жорий йилнинг 20 август кuni Вазирлар Маҳкамасининг Юридик ва жисмоний шахсларнинг электр энергияси, табиий газ, ичимлик ва иссиқ сувни ҳисобга олиш ускуналарини (ҳисоблагичларни) ечиш, қиёсловдан ўтказиш ва ўрнатиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Унга қўра, ҳисобга олиш ускуналарини қиёслов даврийлиги жисмоний шахслар учун 8 йил этиб белгиланди. Яъни, қиёсловдан ўтказиш муддати икки баробарга узайтирилди. Шунингдек, аҳолининг ҳисобга олиш ускунасини мажбурий қиёсловдан ўтказиш учун жуда кўп вақт ва маблағ сарфланishiга йўл қўйилмайдиган бўлди. Орқали оворагарчиликнинг олди олинди.

Эндиликда, 2019 йил 1 ноябрдан бошлаб, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг ҳисобга олиш ускуналарини қиёслаш Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали қабул қилинадиган бўлди. Илгари ҳисоблагичларни ечиш учун ҳудудий газ, энергия таъминот корхоналарига, қиёсловдан ўтказиш учун эса метрология хизматларига, носоз деб топилса, таъмирлаш корхоналарига ва яна бир бор ҳудудий коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарига уларни қайта ўрнатиш учун муурожаат қилинган эди. Ҳозир ана шунча мураккаб жараёнлар қисқартирилиб, барча масъулият етказиб берувчи сифатида «Ўзстандарт» агентлигига ўтди. Аҳоли фаровонлиги учун бу каби масалалар депутатлар томонидан мунтазам кўтарилиб, босқичма-босқич ҳал этиб келинаётгани омма орасида улар мансуб бўлган партияларнинг жамиятдаги фаоллигини таъминламоқда.

Яқинда парламент кўйи палатасида янги таҳрирдаги «Метрология тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди. Унда ички бозорни хавфли товарлардан ҳимоялаш, қиёслаш лабораторияларининг сифатини ошириш ва фаолият натижаларини халқро даражага кўтариш вазифалари белгиланган. Мазкур қонун қабул қилинса, бу борадаги кўплаб масалалар ўз-ўзидан ҳуқуқий ҳал олади, муносабатлар тартибга солинади.

Хулоса қилиб айтганда, бу каби ишлар одамларимиз ислохотлар самарасини келажақда эмас, балки бугун ҳис этишига, давлат органлари фаолиятини янада тақомиллаштиришга, шу аснода уларнинг халқ иродасини ифода этиб, фуқаролар манфаатлари йўлида хизмат қилишни янги босқичга кўтаришига ёрдам беради.

Акмал УМАРАЛИЕВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги  
Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси.

## Беш ташаббус барчага баробар бўлиши керак

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ  
ДЕПУТАТИ МИНБАРИ

Давлатимиз раҳбари илгари сурган бешта ташаббусни амалга ошириш баркамол авлодни тарбиялашда беқиёс аҳамиятга эгалиги исбот талаб этмайдиган ҳақиқатдир.



Спорт билан шуғулланган, мусиқа ва санъатга яқин, китобга дўст, ахборот технологияларидан умумли фойдалана оладиган ёшларнинг аввало фикри теран, ҳаётга қарши тўри бўлиб шаклланади. Бундай ёшларда режа, мақсад аниқ бўлади, улар ҳаётда, жамиятда ўз йўли ва ўрнини топишга қийналмайди.

Бешта ташаббусдан қўзланган ният эзгу, мамлакат миқёсида шу йўналишдаги амалий ишлар бўй чўзяпти, шароит ва имкониятлардан болаларнинг қувончи ортапти.

Лекин манзара ҳамма жойда ҳам кўн-гилдагидек дея олмаймиз. Марказдан узоқлашилгани, шаҳарлардан чиқиб қишлоқ жойларга қйинлашилгани сари бешта ташаббус таъсирини сезиш қийинлашади. Биз бунга очик айтиб, тан олмасак, ўзимизни, энг ёмон, болаларимизни алдаган бўламиз.

Масалан, Наманган вилояти Поп туманида бешта ташаббуснинг муҳим йўналиши — болалар спорт билан шуғулланиши учун шароит яратиш масаласи ҳамон оқсаяпти.

Бу мавзу ҳақида гап бошлашдан аввал Поп туманида яхши шароитли, намунали мактаблар, фидойи ўқитувчилар кўпчилигини айтиб ўтишимиз керак.

Аммо факт, реал ҳолат шундайки, тумандаги 72 та умумий ўрта таълим мактабининг 32 тасида, яъни 44,4 фоизида ҳали ҳам спорт зали йўқ.

Хусусан, 57-сонли умумтаълим мактаби ҳақида мулоҳаза юритсак. Ушбу мактаб 1964 йилда қурилган бўлиб, аслида 270 ўринга мўлжалланган, бироқ шу кунларда мактабда 464 нафар ўқувчи икки сменада таҳсил олмақда. Уларга 52 нафар ўқитувчи таълим-тарбия бермоқда.

Мактаб директори Олимжон Тўрақулловнинг айтишича, мактаб давлат дастури асосида 2018 йилда таъмирдан чиқарилган. Аммо ажратилган бир миллиард сўм маблағ режалаштирилган ишларнинг эллик фоизига етган ҳолос. Капитал таъмирлашдан чиқарилганига эндигина бир йил бўлган мактабда спорт зали йўқ, олти йил аввал хашар йўли билан қурилган майдонча жисмоний тарбия машгулотларини ўтказиш учун умуман яроқсиз.

— Спортга меҳр қўйган ўқувчилар оз эмас, бир кун мактабда шароит яхшиланса, уларнинг ичидан камида Ўзбекистон чемпионлари чиқишини орзу қиламан, — дейди жисмоний тарбия ўқитувчиси Акбаржон Холмирзаев.

Бугун фан ва таълим ривожини, ўқувчиларнинг илм олишида ахборот технологияларнинг ўрни ва аҳамиятини изоҳлашга зарурат йўқ. Чунки бугун интернетсиз фан

ва таълим янгиликларини ўрганиш, ўзлаштиришнинг имконияти жуда кам. Бироқ ушбу мактабда дарс машгулотларида интернет тизимидан фойдаланиш имконияти йўқ. Мактаб ҳисобида 10 та соз ҳолатдаги компьютер мавжуд бўлиб, «кутиб туриб дарс ўтиш навбатини асосида дарс машгулотлари ўтилади.

Шунингдек, мактабда кимё-биология хонаси дарс машгулотларини давлат таълим стандартлари асосида ўтиш учун зарур жиҳозлар билан таъминланмаган. Ўқувчиларга зарур лаборатория машгулотларини ўтказишга шароит яратилмаган бир вақтда улар қандай орзулар ҳақида ўйласин?..

Синф хоналарининг етишмаслигидан тўғарақларда машгулотлар ўтказилмайдиган, кутубхонага икки ўқувчи кирса, учинчиси сиғмай қолади.

26 йиллик иш тажрибасига эга кутубхоначи Асила Бозорованинг айтишича, мамлакатимизда бешта ташаббус асосида китобхонлиқни кучайтириш масаласи ҳам ўрин олганидан, соҳага муносабат ортаётганидан қанчалик хурсанд бўлса, рисоладагидек ишлаш учун шароит таъмирдан кейин ҳам яратиб берилмаганидан шунчалик афсусда.

Мактаб ҳовлисида ўқитувчи онасини кутиб турган 1-синф ўқувчиси Абдулазиз Абдураҳмоновнинг дарс машгулотларидан кейин тўғарақларга қатнаши сўралганда, «дарслар тугади, спорт тўғарагими, мусиқа тўғарагими бўлганда ҳозир мазза қилиб шуғулланаётган бўлардим» деган жавобни олди.

219157 киши истикомат қилаётган тумандаги мавжуд 72 та умумтаълим мактабининг 32 таси ўз спорт залига эга эмаслигидан минглаб болаларнинг Абдулазиз каби ўйлаётган бўлиши жуда ачинарли ҳолдир.

57-сонли мактаб жойлашган «Ғурумсарой» қишлоғидаги жами 4 та мактабнинг учтасида алоҳида спорт зали йўқ. «Ғурумсарой» туман марказидан йигирма чақирим олисда...

Балки марказдаги мактабларда аҳвол яхшироқ, деб ўйларсиз. Шундай ўй билан туман марказидаги 40-сонли умумтаълим мактабида бўлди.

Бу мактаб 1987 йилда қурилган, шу янги ўқув йилидан «Обод марказ» дастурига мувофиқ таъмирдан чиқарилган. Лекин шу мактабда ҳам спорт зали йўқ. Педагогик жамоа, фахрий муаллимлар ўзаро маслаҳатлашиб, мазкур масалани ҳоҳимият ва тегишли бошқармаларга маълум қилишган, кўмак сўрашган. Бироқ натижа чиқмаган...

— Агар шароит яратилса, нафақат ўқувчилар, биз ўқитувчилар ҳам спорт билан

шуғулланамиз, — дейди мактабнинг олий тоифали немис тили фани ўқитувчиси Эъзозхон Турғунова.

Бу мактабда ҳам кутубхона тор, китобхон ўқувчилар билан шуғулланиш учун шароит йўқ.

Йўлимиз 4-сонли умумтаълим мактабига тушди. 1964 йилда қурилган бино 1210 ўқувчини ўқитишга мўлжалланган. Бугунги кунда 818 нафар ўқувчи таълим-тарбия олаётган мазкур мактабда икки сменада 67 нафар ўқитувчи дарс машгулотлари олиб бормоқда. 1989 йилда қурилган икки қаватли ўқув биносининг яқинига йўлаш хатарли. Ўрта ва бурчакларидан ёрилган бино деворлари қулаб тушаётгандек.

Гап шундаки, жуда оғир аҳволдаги бу бино 2005 йил бир миллиард сўм маблағ ҳисобида таъмирланган бўлса-да, бугун авария ҳолатида. Бинодан 5-6 метр нарида яна бир ўқув бино жойлашган, унда 100 нафардан ортқ бошланғич синф ўқувчилари дарс ўтишади. Танаффус вақтлари авария ҳолатидаги бинонинг ёнида болалар ўйнашар экан...

Поп туманидаги 7-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабида 12 йўналиш бўйича 310 нафар ўқувчи таълим олади. Уларга 48 нафар ўқитувчи дарс беради. Мактаб директори Ахмаджон Давроновнинг айтишича, мактабда қулай шароит яратилган, лекин сўнгги вақтларда болаларини шу ерда ўқитиш истатини билдириб, муурожаат қилаётган ота-оналар кўпайибди. Янги ўқувчилар учун жой етишмас экан...

Мактаблардаги ҳолатни ўрганиб, кўпчилик билан суҳбатлашиб, аниқ бир хулосага келдик: ота-оналарда ҳам, болаларда ҳам яхши шароитга, ўқишга, илгори фикрлашга интилиш кучайибди. Биз, депутатлар, мутасадди давлат ташкилотлари раҳбарлари бундан хурсанд бўлишимиз, болаларимизга қўлдан келганча, имкон етганча шароит яратилишимиз зарур.

Халқ депутатлари Поп туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи бу масалани атрофлича таҳлилий ўрганиб, таклифларни шакллантириш ва туман Кенгаши сессияси муҳокамасига олиб чиқиш устида ишляпти.

Куз-кишнинг ёмғирли, қорли-қировли кунлари яқин, келгуси йил киш яна келади. Ўқувчиларга спорт заллари керак, яхши шароит керак, биз ота-она бўлиб, депутат бўлиб, давлат давлат бўлиб, бунинг имконини топишимиз зарур, деб ўйлайман.

Абдулмуҳаммад ДЎСМАТОВ,  
Халқ депутатлари Поп туман  
Кенгашидаги  
Ўзбекистон ХДП гуруҳи раҳбари.

Хоразм воҳаси Шовот тумани Бешмерган қишлоғининг маданий ва иқтисодий турмуш тарзини ривожлантиришда Комиловлар сулоласининг, айниқса, Нурпошша опа Комилованинг хизматлари алоҳида таҳсинга лойиқ.

## ОДДИЙ ҚИШЛОҚ АЁЛИ

### ёки ҳалол меҳнат шарофати

Эсимни танибманки, шу оддий қишлоқ аёлининг садқоти вафосига, матонат, сабр-бардошига тасаннолар айтгим келади. Турмуш ўртоғининг бевақт ўлими Нурпошша опа Комиловани эсанкиратиб қўйди. Ҳаётнинг аччиқ қисмати олдида бўйин эгмаган ёш келинчақ отасидан ёдгор 3 та бири-биридан ширин фарзандлар тарбияси ва билим олиши билан шуғулланар экан, уларни қомил инсон даражасига етказиш учун қишлоқ далаларида тинмай меҳнат қилди. Илгари Шовот туманининг сўлим Бешмерган қишлоғи ахли Аҳмаджон ака Абдуллаев раҳбарлигида пахтачилик билан шуғулланган бўлса, 1983 йилдан эса картошка етиштириб берадиган совхозга айлантирилди.

Нурпошша опа Комилова Бешмерган қишлоғида ўзининг меҳнатқашлиги, ҳар бир топшириқни виждонан бажариши туфайли тезда илгорлар қаторидан ўрин олди. Партия аъзоси, илгор теримчи ва ниҳоят 1986 йилдан 2004 йилгача бригада бошлиғи, 2004 йилдан 2007 йилгача фермер бўлиб эл-юрт хизмати-ни адо этди. Ҳалол меҳнати, фидокорона хизматлари учун ҳукуматимиз томонидан кўп бор тақдирланган. Бир вақтлар Нурпошша опа Комилованинг кўрагини орден ва медаллар беаган бўлса, ҳозирги кунда олий маълумотли 3 ўғли, келинлари ва олий маълумотли набиралари унинг умрини нурафшон қилляпти.

Қасбидан қамол топан оддий қишлоқ аёлининг ҳам она, ҳам ота бўлиб, мардона қилган меҳнатлари ўз мевасини бермоқда, десам адашмайман, чунки қишлоқ ахли бу шиқоатли аёл билан фахрланади, чунки қишлоқда ўтказиладиган ҳар бир тадбирда ўз ўрни, обрў-эътибори бор.

Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик деганларидай, Нурпошша опа Комилова ҳалол меҳнатлари орқасидан фарзандларини турли касб эгалари қилиб тарбиялади, ўқитди, уйлантирди ва уйли-жойли қилди.

Катта ўғли Саиджон Комилов Тошкент темир йўл муҳандислари институтини тугатиб, ҳозирги кунда тадбиркорлик билан шуғулланади, турмуш ўртоғи Гулбаҳор эса тарбиячи. Ўртанча ўғли Камолов Жамолдин Комилов Тошкент темир йўл муҳандислари институтини битириб, курувчи муҳандис, келини Хосият 33-умумий ўрта таълим мактабида маънавий маърифий ишлар бўйича директор уринбосари бўлиб ишлаб келмоқда.

Кенга ўғли Камолов Фарход олий тоифали физика фани ўқитувчиси, келини Ўрозгул эса тадбиркор.

Ўн набиранинг олти нафари олий маълумотли му-таҳассис, ўз касбининг моҳир усталари бўлиб жамия-тимизнинг гуллаб-яшнашига ўз ҳиссаларини қўшмоқ-далар.

Нафақага чиқиб тиниб-тинчиманган қаҳрамонимиз қўлидан нина-ип тушмайди. Яхши ниятлар билан туй-лар учун қўрпа-тўшақ тикади.

Нурпошша опа Комилова доимий мактабимиз меҳмони ҳисобланади. Мактабимизда ўтказила-диган «Қасбим-фаҳрим» тадбирида оддий қишлоқ аёлининг заҳматкаш меҳнатлари қадрланади ва ўқувчиларимга ибратли ҳаёт йўли ҳақида фахрла-ниб гапириб бераман. Ўқувчиларим саволларига ҳаяжон билан жавоб берад экан, қалби ғурур иф-тихордан, кўзи қувончдан порлаган бу фидойи ин-сон ҳақида мақола ёзишни мақсад қилдим. Зеро, бугунги ёшларимиз ҳалол меҳнатнинг самарасини кўриб келажаққа ҳавасла боқсин.

Роҳатой ШАРИПОВА,  
Халқ таълими аълочиси,  
Ўзбекистон ХДП фаоли.

# Ички ишлар очиклик, ошкоралик,

## МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Ички ишлар вазирлиги жамоатчилик ва ОАВ билан алоқалар бошқармаси томонидан «Ижтимоий тармоқларда эълон қилинаётган ички ишлар органлари фаолиятига тааллуқли материалларга ҳуқуқий муносабат» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Унда вазирликнинг бош бошқарма бошлиқлари, ИИБ Академияси вакиллари ва вазирликнинг бошқа масъул ходимлари иштирок этди.

— Ушбу матбуот анжумани сўнгги вақтларда интернетдаги ижтимоий тармоқлар орқали ички ишлар органлари фаолияти билан боғлиқ турли хилдаги ахборот материалларнинг тарқалиши натижасида оммавий ахборот воситалари вакиллари ва фуқароларнинг кўплаб бўлаётган бир қатор саволларга жавоб бериш мақсадида ташкил этилди. — дейди Ўзбекистон Республикаси ИИБ Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси бошлиғи, полковник Шохрўх Ғиёсов. — Шунингдек, бугунги кунда Президентлиги томонидан берилган топириқ ва янгича ёндашувлар асосида ички ишлар органларини аҳолига яқинлаштириш орқали жиноятчи-ликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, фуқароларнинг тинч ва оқойишта ҳаёт кечиришини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот бермоқчи.

— Жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида республикамизда жами 25 минг 344 та жиноят рўйхатга олинган бўлиб, олдинги йилга нисбатан 8 минг 899 тага ёки 25,9 фоизга камайган, — деди у. — Шунингдек, республикамиздаги мавжуд 9116 маҳалланинг 4518 тасида умуман, жиноят содир этилмагани таъкидланди. Шу билан бирга, низоли ҳолатлар мавжуд бўлган 30837 оиланинг муаммолари маҳаллаларнинг ўзида қўриб чиқилиб, 22962 та оиланинг нотинчлигига барҳам берилгани ва 9281 оиланинг ажралиб кетилишининг сақлиниб қоли-гани тўғрисида ҳам маълумотлар берилди.

Матбуот анжумани давомида айни вақтда

фуқароларни ҳуқуқтираётган кўплаб долзарб масалалар муҳокама этилди. Хусусан, тадбирда журналистларни қизиқтирган кўплаб саволларига вазирликнинг масъул ходимлари жавоб беришди.

— Фуқароларга паспорт ёки ҳайдовчилик гувоҳномасини исталган ҳудуддан олиш имкониятини яратиш мумкинми? Шунда Тошкент шаҳрида вақтинча рўйхатда туриб, яшайдиган фуқаролар бошқа вилоятларга боришга мажбур бўлмасди.

— ИИБ Миграция ва фуқаролиқни расмийлаштириш бош бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқароларига улар вақтинчалик рўйхатдан ўтиб яшаётган ҳудудидан хорижга чи-қиш паспортини расмийлаштириш ва олиш имкониятини яратувчи қўлайлик тақлиф сифатида киритилмоқда.

Ҳайдовчилик гувоҳномаларини беришнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, фуқаролар уларни доимий яшаш жойидаги ҳудудий ИҲХБ Рўйхатлаш ва имтиҳон олиш бўлимла-ридан белгиланган тартибда олишлари мақсадга мувофиқ.

— Прописка режими нима учун керак? Агар ҳавфсизлик учун дейилса, унда, наҳотки, юр-тимиз оқойишталигининг энг катта устуни ва гарови бўлган ички ишлар органлари мана шу Конституцияга зид бўлган прописка тартиби-сиз ҳавфсизлиқни таъминлай олмайдми?

— Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-нинг 28-моддасида: «Ўзбекистон Республикаси фуқароси республика ҳудудида бир жойдан ик-

кинчи жойга қўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан қайтиб кетиш ҳуқуқига эга. Қонунда белгиланган чеклашлар бундан мустаснодир», дея қайд этилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 14 сентябрдаги «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоя-тида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги 296-сонли Қонуни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-га зид эмас.

Ҳозирги кунда Тошкент шаҳар ва Тошкент вило-ياتи ҳудудида доимий прописка қилиш тартиби-ни соддалаштириш масаласи тегишли вазирлик ва идоралар билан қўриб чиқилмоқда.

Яна шуни эслатиб ўтмоқчимизки, ички ишлар органларида миграция жараёнлари ва фуқаро-лиқни расмийлаштириш соҳасида амалга ошири-лаётган чора-тадбирлар ҳақида жорий йилнинг 7 ноябрь кунги матбуот анжумани ўтказилиши режа-лаштирилган. Унда сизни қизиқтираётган мазкур ва бошқа саволларга мутасадди ходимлардан аниқ жавоб олишингиз мумкин.

— Шахсини тасдиқловчи ҳужжат фуқаро-нинг ёнида бўлмаса, ички ишлар органи хо-дими уни ички ишлар бошқармасига олиб бориш-га ҳақлими?

— Агарда патруль-пост хизмати ходими па-труль йўналишида хизмат олиб бораётган вақтида хизмат ҳудудида жиноят содир этилганлиги, жи-ноят содир этган шахсининг шахси номаълумлиги тўғрисида хабар келиб тушса, ходим жиноятни



«иссиқ изида» фаш этиш мақсадида фуқарони ёнида шахсини тасдиқловчи ҳужжати бўлган тақ-дирда ҳам, гумон қилинувчи сифатида ички ишлар органлари идорасига олиб боришга ҳақли.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрда қабул қилинган «Ички ишлар органла-ри тўғрисидаги Қонунининг 17-моддаси 13-хат-бошисида жиноятларни содир этишда гумон қи-линаётган шахсларни, шунингдек, ўзига нисбатан

## Мамлакатимиз электр энергияси соҳасидаги ислохотлар

## ЧИРОҚ ЎЧМАЯТИМИ?... НАҲОТ БУ ЎЗГАРИШНИ СЕЗМАДИНГИЗ?

Бугун электр энергияси кундалик турмушимизни, ҳаётимизни, тараққиётимизни ҳам тасаввур эта олмаймиз. Вақт ўтган сайин электр энергиясига бўлган талаб ҳам ортиб бормоқда. Чунки республикамиз иқтисодийтини ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, халқимиз яхши яшаш учун яратилаётган шароитлар, турар-joyлар, қўшлаётган моддий, маънавий, тиббий муассасалар, ҳамма-ҳаммаси электр энергияси таъминотига боғлиқ. Биргина одамларни уй-жой билан таъминлаш жараёнини олайлик.

Ушбу йўналишдаги ишлар кейинги икки-уч йилда шу қадар кенг кўламли тус оладики, электр энергиясига бўлган талаб янада ошмоқда. Ишлаб чиқариш қувватлари ортиб, хонадонларга янги технологиялар кириб келмоқда. Қолаверса, аҳоли сони ҳам доимий ўсишда. Буларнинг барчаси, электр энергияси таъминотини ошириш чораларини кўришни талаб этади.

Ҳозирги ўзгаришларни тўла ҳис этиш, қадрига етиш учун бироз тарихга назар ташласак, ўринли бўлади, назаримизда. Зеро, тафровут таққосда янада яққолроқ кўринади. Бунга ўз ҳаётимдан мисол келтирсам. Гап шундаки, хизмат юзасидан 1996 йилда Тошкент шаҳрига оилам билан кўчиб қолганимиз қадар тизимдаги камчиликларни ўз кўзим билан кўрганман. Ўрни вилоятлар, айниқса, қишлоқларда электр токи бўлмаганилиги боис, хонадонларда аккумулятор ёки двигокондан фойдаланилган. Енгил автомашинаси бор инсонлар эса газ тўлдириш шохобчасида электр энергиясидан узилишлар тўғрисида ҳатто сўтқалаб навбат кўтиб турарди. Қишлоқларда оммавий тадбирлар, тўй-маъракаларни ўтказиш ҳам амримаҳол эди. Сабаби, электр энергияси йўқ. Бугун-чи? Бугун шуқри, шароит ўзгача. Тизимдаги бу каби салбий ҳолатлар бирин-кетин бартараф этилмоқда. Тармоқ қорхоналари босқичма-босқич янгиланаётгани, умуман, тизимда рўй бераётган янгиланишлар одамлар ҳаётига ҳам ўзгариш олиб кирмоқда, хонадонлар нурга тўлмоқда. Бунинг учун, аввало, тизимнинг ўзи қайтадан янгиланди. Бошқарув янгилаш шаклга ўтказилди. Президентимизнинг одамлар эртага ёки индинга эмас, бугун ҳаётдан рози бўлиб яшаш керак, деган гаплари ҳаётимизда ўз аксини топтоқда.

## ХУҚУҚИ ХУЖАТЛАР РИВОЖЛАНИШГА МУСТАҲҚАМ ЗАМИН ЯРАТДИ

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 1 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан Энергетика вазирлиги тўғрисида, унга электр энергетика соҳасидаги муаммоларни бартараф этиш, иқтисодий тармоқларни ва мамлакат аҳолисини энергетика ресурси билан барқарор таъминлаш бўйича катта ваколатлар берилди.

Шунингдек, Президентимизнинг 2019 йил 1 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси ёқилиш-энергетика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2019 йил 27 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги қарорига биноан, энергетика тизимида тўлиқ ислохотлар амалга оширилиб, электр энергияни ишлаб чиқариш, етказиб бериш, тақсимлаш ва сотишнинг замонавий услубларига ўтиш мақсадида «Ўзбекэнерго» АЖ қайта ташкил этил-

ди. Энергетика тармоғини самарали бошқариш тизимини жорий қилиш, жадал ривожлантириш, рақобат муҳитини ривожлантириш, электр энергиясини ишлаб чиқариш, етказиб бериш соҳасидаги фаолиятнинг институционал ҳамда ташкилий-ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш вазифалар қўйилди.


«Ўзбекэнерго» АЖ таркибидан бўлган «Ўзэлектртармоқ» УК ва «Энергосети» филиали тугатилиб, унинг негизидан «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари», иссиқлик электр станциялари ҳамда электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқарувчи электр марказларини бошқарувчи «Иссиқлик электр станциялари», электр энергияни истеъмолчиларга тақсимловчи ва сотувчи ҳудудий электр тармоқлари қорхоналарини бошқаришни амалга оширувчи «Ҳудудий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятлари тўзилди.

## КЕЛАЖАК ЭНЕРГИЯСИГА БУГУНДАН ҚАДАМ ТАШЛАНМОҚДА

Муюқбил энергия манбаларини топиш ва улардан самарали фойдаланиш нафақат юртимиз, балки дунё энергетика саноатининг энг муҳим ва устувор вазифаларидан саналади. Бинобарин, бусиз соҳа келажагини тасаввур этиш қийин. Шу маънода, айни пайтда юртимизда мазкур йўналишдаги ишларга ҳам катта эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Жорий йилда қарийб 620 миллион доллар ўзлаштирилиб, 7 та йирик лойиҳа ишга туширилиши белгиланган. Хусусан, ҳозир юртимизда қуёш ва шамол электр станциялари қуриш бўйича Туркиянинг «Йилдирим групп», Бирлашган Араб Амирликларининг «Маздар» ҳамгармаси ва Халқаро молия корпорацияси билан иш олиб боришмоқда.

Саудия Арабистонининг «ACWA Power» компанияси Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қуввати 1250 МВтга тенг иссиқлик ҳамда 1000 МВтга тенг шамол электр станцияларини қуриш. Бухоро вилоятининг Гиджувон туманида Хитойнинг «Loaning Lide» компанияси билан бирга электр станциянинг ишлаб чиқариш қуввати 1,5 минг МВтни ташкил қиладиган шамол электр станциясини қуриш бўйича асосий шартлар тўғрисидаги битимлар имзолангани ҳам шундай саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Энергетика вазирлиги, «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамиятига умумий қиймати 2,5 миллиард долларлик 13 та истиқболли лойиҳа бўйича хорижий ҳамкорларни аниқлаш, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш бўйича мазилли «Йўл харитаси» ишлаб чиқиш топширилган. Соҳада давлат-хусусий шериклини жорий этиш, тўғридан-тўғри инвестицияларни кенг жалб қилиш учун хусусий ишлаб чиқарувчилардан электр энергияси сотиб олиш тартиби ва тарифлари белгиланмоқда. Электр энергиясини экспорт қилиш бўйича мамлакатимизнинг



транзит салоҳиятидан самарали фойдаланиш мақсадида Сурхон – Пули – Хумри тармоғи қуриляпти.

2019 йилнинг якунига қадар Навоий иссиқлик электр станциясида қуввати 450 МВт бўлган иккинчи буғ-газ қурилмаси фойдаланишга топширилади. Тўрақўрғон иссиқлик электр станциясида қуввати 450 МВт бўлган биринчи буғ-газ қурилмасини тўлиқ лойиҳа қувватида олиб чиқиш ҳамда иккинчи буғ-газ қурилмаси ишга туширилади. Декабрь ойига қадар 3,5 минг километр электр тармоғини ҳамда 1171 та трансформатор пунктини реконструкция ва модернизация қилиш чоралари белгиланди.

Гап энергетика хусусида борар экан, юртимизда ўтган йили ушбу йўналишда яна бир жиддий қадам ташланганини айтиб ўтмасак бўлмайди. Ўзбекистон Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида атом энергетикасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони мазкур йўналишдаги ишларни мутлақо янги босқичга кўтарувчи муҳим ҳужжат сифатида тарихга кирди. Ваҳоланки, бу билан Ўзбекистонда бутунлай янги йўналишга йўл очилди, мамлакатимиз тарихида илгари кузатилмаган янгиланиш кўл урилди. Аҳоли ва иқтисодий тармоқларини энергия билан таъминлаш, энергетика секторини диверсификация қилиш, атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш каби эзгу мақсадлар йўлидаги ишларга киришилди. Вазирлар Маҳкамаси ҳузурда Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги ташкил этилди. Айни чоғда станция қарерда барпо этилиши бўйича бир тўхтама келинди. Ҳозир бу борада жиддий ишларга киришилган. Асосийси, мазкур фаолият жорий йилнинг сентябрь ойида қабул қилинган «Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан мустаҳкамлаб қўйилди.

Жорий йилнинг куз-қиш мавсумида электр энергиясига талаб ўтган йилдагига нисбатан 11,5 фоиз ошиши кутилаётганлиги сабабли, Энергетика вазирлиги томонидан октябрь ойида иссиқлик электр станцияларида 7 та энергоблок, 7 та қозон агрегати, битта газ турбинаси ва битта буғ-газ қурилмасини капитал таъмирлаш бўйича кенг кўламли ишларни амалга оширмоқда.

Электр ресурсларини ишлаб чиқаришда қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш, шу асосда янги экологик тоза ишлаб чиқиш қувватларини ташкил этиш, соҳада замонавий технологиялардан кенг фойдаланиш

қорхоналар ва аҳолининг электр энергияга бўлган эҳтиёжини янада тўлароқ қондиришни таъминлаш муҳим вазифа ҳисобланади.

## МАЛАКАЛИ ХОДИМЛАР — ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Қайд этганимиздек, тизимдаги бошқарув мутлақо янги ва самарали тус олмақда. Кўлами тобора кенгайиб бораётган ислохотлар самараси намоян бўлишмоқда. Белгиланган вазифалар ижроси эса малакали кадрларга боғлиқ. Шундан келиб чиқиб, ходимларни иқтисодий, иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоялаш, уларга қулай ва хавфсиз иш ҳамда ўқиш шароитларини яратиш, меҳнатни муҳофаза қилиш борасида 2019-2021 йиллар учун «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари», «Иссиқлик электр станциялари» ва «Ҳудудий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятлари билан Ўзбекистон энергетика ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ўртасида учта тармоқ (тариф) келишувлари имзоланди.

Бугунги кунда тизимдаги қорхона ва таъшилотларда 134 та бошланғич касаба уюшма ташкилоти фаолият кўрсатаётган бўлса, уларда 56362 нафардан зиёд касаба уюшма аъзосининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига биноан, жамоа шартномалари ва келишувлари ходимлар турмуш даражасини оширишнинг асосий омилларидан бири ҳамда уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларининг ҳимоясидир. Ижтимоий шериклик асосида қорхона ва таъшилотларда қабул қилинаётган жамоа шартномалари орқали меҳнат муносабатларини самарали тартибга солиш, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида Республика Кенгаши томонидан 2019 йилнинг ўтган даврида 11 та қорхона ва таъшилотлар жамоа шартномалари экспертизадан ўтказилди. Бунинг натижасида 2016 йилда уларда кўзда тутилган тадбирларнинг бажарилиши учун ўрта ҳисобда бир ҳодимга 5 млн. 628,5 минг сўм сарфланган бўлса, 2019 йилга келиб 7 млн. 426,8 минг сўм маблағ сарфланганига эришилди.

Амалдаги жамоа шартномалари орқали 2019 йилнинг биринчи ярим йилдаги 3921 нафардан ортиқ фуқарога 998,710 млн. сўмлик ижтимоий кўмак берилди. 9843 нафар ишчи-ҳодимнинг республикамиз тарихий шахарлари ва обидаларига саёҳатлари ташкил этилди. Қорхона ва таъшилотларда ишлаётган кам таъминланган, эҳтиёжманд, кўп балли оила вакиллари, ёлғиз кексаларни

моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2018-2019 йилнинг ўтган даври мобайнида касаба уюшма Республика Кенгаши томонидан 15,5 млн сўмлик моддий ёрдам ажратилди.

Ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш, шунингдек, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини таъминлашда касаба уюшмалари фаолиятининг самарадорлигини оширишга бағишланган «Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан кўрик-таълоқ»нинг республика босқичи ўтказилди.

Қорхона ва таъшилотларда ишлаётган меҳнатқашлар ва уларнинг оила аъзоларини спортнинг оммавий турларига қизиқтириш орқали меҳнат фаолияти самарадорлигини оширишга кўмаклашиш, уларни турли касб касалликларидан спорт ва соғлом турмуш тарзи асослари орқали муҳофаза қилиш ва спорт билан оилавий шугулланиш кўникмаларини шакллантириш ҳамда спортнинг оммавийлигини ошириш мақсадида тизимдаги қорхоналарда меҳнат қилаётган ишчи-ҳодимлар ва уларнинг оилалари ўртасида «Спорт — мустаҳкам оиламиз пойдевори» ширини остида Республика оилавий спартакиада ташкил этилди.

Ёшларга оид Давлат сиёсатини амалга ошириш мақсадида «2019 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури» тасдиқланиб, ушбу дастур асосида тармоқ тизимидаги Андижон, Тошкент, Фарғона вилоятлари қорхона ва таъшилотларда меҳнат қилаётган ёшлар билан очик мулоқот ва учрашувлар ўтказилди.

Аҳоли истеъмолчилари учун таъриф жорий йилнинг 15 августидан 1 квт. соат учун 295 сўм этиб белгиланган. Яъни 2018 йил 16 ноябрдаги таърифга нисбатан 18 фоиз оширилган. Республикаимиз бўйича электр энергиясининг асосий қисми, яъни 85 фоиз иссиқлик электр станциялари ҳиссасига тўғри келади. Ўз навбатида, станцияларда ёқилган сифатида газ, кўмир ёки мазут ёқилади. Лекин ишлаб чиқариш харажати ҳамма қорхона ҳам бир хил эмас. Масалан, Ангрэн иссиқлик электр станциясида 1 квт.соат электр энергияси энг қиммат — 518 сўмга айланади. Ҳўш, бунинг сабаби нимада? Жавоби оддий: станция 1957 йил қурилган. Бу ерда фақат 2016 йилдагина 150 МВт қувватли битта янги энергоблок ишга туширилган, холос. Станциянинг ишлаб чиқариш блоклари эскирган. Боз устига фаолиятда асосан кўмирдан фойдаланилади. Буларнинг барчаси, бори-бори, харажат ошишига, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархига таъсир кўрсатмоқда. Демак, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш жараёнида инновацияларни тезкор жалб қилиш ишларини янада жадаллаштириш лозим.

Электр энергияси бу бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқарилиб, бир вақтнинг ўзида истеъмол қилинадиган товар эканлигини ҳамма ҳам билавермайдик. Уни ҳосил қилишдан тортиб, етказиб беришга бўлган жараёнда қанча сарф-харажат ва меҳнат ётибди. Шундай экан, ҳар бир истеъмолчи, электр энергиясидан самарали ва оқилона фойдаланиб, тўловларини ўз вақтида амалга ошириб бора, энергетика соҳасининг янада ривожланишига, тараққиётимиз бундан-да юксалишига ҳисса қўлган бўлади.

Қобилжон ҚИРҒИЗЛИЕВ,  
Ўзбекистон энергетика  
ходимлари касаба  
уюшмаси республика кенгаши  
раниси.

МЕРОСХҲҲ  
АКА-УКА

(бўлган воқеа)

Улугларнинг иши афе айламакдур,  
Кичиклар узар учун бел бойламакдур.  
Сулмонлигида уйқ кину адолат,  
Дила афе, адолат жойламакдур.

Абдулла АВЛОНИЙ

У ҳовлисида қайтиб чорпоёдаги тўшақка ён-бошлади: «Ва нихоят ҳал бўлди-э, худога шукур, кутулдим», деб ўзича бироз ҳавёл сурган бўлди. Сўнг бирдан ҳаёлимга бир савол келди: «Кутулганим ростми ўзи, а, нимадан кутулдим?»

Мерос бўлиш машамасидан кутулганим, суд қарори фойдамга ҳал бўлгани рост, лекин... вақтида бир анани эмиб катта бўлган яқин-ёқини жигарим, укамдан тириклай айрилиб қолмадимми, ишқилиб? Энди бир-биримизсиз тўй-азамиз қандай ўтади? Болаларимиз умр-бод ёлашиб юрадимми? Ахир, мен акаман, укам хотинининг гапига эмас, менинг айтганимга юриши керак, деб аччиқ устиди қилган ишим шу бўлдики?

У ёнбошдаги ёстиқни тўғирлаган бўлиб, яна тирсагини тиради, юраги симиллаб оғриқ берганини туйиб, бир-икки чўқур-чўқур нафас олган, оғзи қуригани учун ёнбошини ёстиқдан кўтариб, чойнақдаги совиган чойдан ҳўплаган бўлди. Ўнг қўлини чап қўраги-юрагининг устига қўйиб, бир-икки силади ҳам. Қўқсида нимадир осилиб тургандай... чўқур «уф» тортиди.

Бироздан сўнг ноҳас уй ичкарига қараб: — Кампир, ҳой кампир, — деди.

Аммо шу чоғ, кампирнинг қўлини маҳаллада яшайдиган синглисиникига кетгани эсига тушиб «ҳаҳ», деди.

Қайнатасининг овозини эшитиб чиқиб келган келин, салом бериб, бирон нима керакми, — дея сўради.

Келинга, «ҳа, майли, қўявер», деган бўлди-ю, яна ҳаёлга берилди. «Хотиним синглисини йўқлаб, ҳолидан хабар олгани кетди. Менчи, мен энди укамникига, жондай жигаримникига, поймонам тўлғанда ёки акамлаб, биринчи бўлиб етиб келадиган ёки бошим ёстиққа текканда аҳолининг сўроқлайдиган укамникига қайси из билан бораман?! Ҳаммасига қўл силта бордим ҳам дейлик, укам ёки қияларим уйга киритармикин?!

Оқсоқол ўзига-ўзи шу саволни қайта-қайта беракан, юраги баттарроқ санчиб, безовталиги ортди ва «жон омонат, бола-чақа, укамдан рози-розилек ҳам тиламасдан, жон таслим қилиб қолсам-а», деб ваҳимага тушди. «Эй, яратган Эгам, ўзинг ажалга сабр бер! Қўлган хатоимни тузатишга имкон бер!» дея илтижо қилди. «Нима қилиш керак, хатони қандай тузатса бўлади?! У шу афзода ўзини ўзи койирди, эҳтиросга, ғазабга берилиб, қилиб қўйган ишидан надомат чекарди. Энди элу юрт, қўни-қўшни, яқин қариндошлар нима дейди? Эй, садқан одам, қариганинга, кимларнинг-дир гапига кириб, мерос талашиб юрибсаним, демайдингми? Воҳ, бу инсонди қандай кўтариб юраман, юзим қаро бўлди-ку. Бу кунимдан ўлганим яхши эмасми, укамдан тириклай ажралиб қолдим-ку...

Унинг кўзларидан тирқираб ёш отилиб чиқди, юз-кўзларини ювиб, сақол-мўйловиға томонди. Набирасини маҳалладаги кўнгил саз биродарини айтиб келишга юбориб, ўзи кампирини тоқатсизлик билан кута бошлади.

Ҳаёлида, яна ўзи билан ошииб, койинган бўлди: — шу кампирнинг-да гапини олмамди, мени қандай жин урди, ўзи? Укам ўжжа-бирдай жон, танг аҳволда қолмасе, мерос улушини сўрадимди? Эҳ, эси қирмаган чол, укамга, вақтида мерос сўрамагандан деб, судлашиб юргандан қўра, ёрдам берсанг, улушини бериб рози қилсанг, давлатинг қамайиб қолармиди? Ё қариганда, қўзинга фақат мол-дунё қўриниб қолдимми?! Бу дунёдан нимани орқалаб кетмоқчимис. ч. ўзи?!

Бобо дарвоза «ғийқ» этиб очилиб, кампирни кириб келганига қўзи тушиб, жонлибди қолди. «Кампир келдингми, уйда бор, пулни олиб чиқ, ўлгинг келсе, укамникига ўтиб келамиз», деди. Чолини гап-сўзсиз тушуган кампирни, «Отаси тўғри уйлабсиз, укамизга пулдан ташқари, говмушнинг ўтган йилги боласи-ғўнажини ҳам қўшиб берсак, нима дейсиз, рўзгорига яради!» деганида, чол бир қалқиб қўз ёшларини тиялоқда. Бироз бош эгиб, сўнг чўқур «уҳ» тортиб маъқул ишорасини қилди. «Қара-я, укамга етти ёл беғона кампирим қайишиб турганда, мен тугишган аканинг ишини қара»...

Жондай акасидан бугун судда эшитган аччиқ-тайзик гапларини эслаб, «Хотинининг гапига қирган мен-аҳмоқ қайси эс билан ота ўрнида оталик қилган, уйли-жойли қилган акамдан мерос талаб қилдим, энди акамнинг юзига қандай қарайман?», — деб ич-эттини еб ўтирган ука ҳовлисига қўлашиб кириб келган акаси ва келинкойсини қўриб шошиб ўрнидан турди. Сўнг, «Келинлар, келинлар», деб акасидан бироз ҳайққан қўйи туриб қолди. Аммо ёнига келиб қолган акаси «ука, бери кел», деб қўчоғини ёзганида, бўғзига нимадир тикилиб, кўзлари ёшга тўлди, бутун вужудига билан акасига интилди ва жигарини қўчқулай туриб, «кечиринг, ака», деб йилгаб юборди. Акаси ҳам «қиқ-қиқ» этиб йилгаган қўйи, укасини бағрига босиб туриб, «Ука, сен мени, мол-мулк деб ўз укасини танимай қолган акагини, кеңир», деди.

Бу ҳолатга гувоҳ бўлиб турган барчанинг кўзиде ёш йилтилар, ака-уканинг бир-бирига шундай меҳри товнаниб турганидан шод эдилар.

Холмўмин ЁДҒОРОВ,  
юрис.

ТИЗИМИДА:  
шаффофлик бугуннинг талаби

қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси тайинланган шахсларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ушлаш, ички ишлар органларига олиб бориш ва қамоқда сақлаш мумкинлигини кўрсатиб қўйилган. Ўз навбатида, шахсга аниқлик киритиш мақсадида ички ишлар бўлимига олиб боришган фуқароларни 3 соатдан кўп ушлаб туриш мумкин эмас. Агар масала маъмурий ҳуқуқбузарлик билан боғлиқ бўлса, ушбу фуқаро бир суткадан ошмаган вақт давомида ушлаб турилади.

Таъкидлаш керакки, ички ишлар органлари ходимлари йил охирига қадар махсус планшетлар билан таъминланган. Ушбу лойиҳа амалга ошганидан сўнг фуқароларнинг шахси уларнинг бармоқ излари орқали аниқланади ва уларни ички ишлар бўлимига олиб боришга ҳоҷат қолмайди.

— Тошкент шаҳридаги кузатув камералари ўрнатилмаган қорраҳалардаги, шунингдек, пёвдалар учун мўлжалланган йўлакларда ҳайдовчилар томонидан қатъ этилаётган қондабузарликларни бартараф этиш бўйича қандай ишлар амалга ошириляпти?

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 июлдаги «Йўл ҳаракати ҳавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга чек қўйишнинг, назоратнинг юқори самарадорлигини таъминловчи йўл ҳаракатини автоматлаштирилган тарзда тартибга солиш, видеокузатув ва йўл ҳаракати қондалари бузилишини қайд этиш тизимлари, бошқа техник воситаларни, аввало, вилоят марказларида янада кенгайтириш йўл ҳаракати ҳавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланди.

Маълумки, 2017 йил 15 март кунидан Тошкент шаҳрида жорий этилган йўл ҳаракатини бошқаришнинг компьютерлаштирилган тизими томонидан қайд этилган қондабузарликлар учун жарамага тортиш механизми ишга туширилди. Тизимнинг жорий этилиши, шубҳасиз, пойтахт кўчаларида қондабузарликлар ҳамда йўл-транспорт ҳодисалари сонининг қамайишига таъсир ўтказди.

Тизим пойтахтимизнинг транспорт воситалари оқими кўп бўлган 115 та қорраҳасини ўз ичига олган бўлиб, қондабузарликлар автоматик тарзда қайд этилмоқда. Ҳозирги кунда мазкур тизимни кенгайтириш, тизимга қирган қорраҳалар сонини 400 тага етказиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, Нукус, Наманган, Андижон, Навоий ва Бухоро шаҳарларида автоматлаштирилган тизимлар жорий этилиб, яна бир қатор вилоят марказларида ҳам бу каби тизимларни жорий этишга тайёргарлик қилинмоқда.

Бундай тадбир Тошкентнинг Президентининг 2018 йил 30 октябрдаги «Йўл ҳаракати ҳавфсизлигини таъминлаш соҳасида инвестициявий лойиҳани амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, Германиянинг «ATLAS International» компанияси гуруҳи томонидан Андижон, Наманган, Тошкент ва Фарғона вилоятлари ҳудудларида йўл ҳаракати қондалари бузилишини фото-видеофиксация қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш бўйича давлат-хусусий шериклик шартлари асосида инвестициявий лойиҳа амалга оширилмоқда.

Масаланинг яна бир томониға тўхталади-ган бўлса, автоматлашган тизимлар томонидан аниқланаётган қондабузарликлар салмоғи кун сайин ортиб бормоқда. Мисол учун, 2018 йилнинг 9 ойи давомида автоматлаштирилган тизимлар томонидан 599431 та қондабузарлик қайд этилган бўлса, жорий йилнинг 9 ойида бу рақам 893995 тани ташкил этди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,  
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Халқ демократик партияси асосий масалани тўғри қўя олган.

# Партиянинг асосий ташриф қоғози қандай бўлади?

ЎзХДПнинг янги Сайловолди дастурига кириштирилган айрим масалалар ҳақида мулоҳазалар

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сайловларда қатнашиш учун сиёсий партияларга расман рўхсат берилди. Шу кунларда сиёсий партиялар сайлов кампаниясининг энг муҳим жараёнларидан бири – Сайловолди дастурини тайёрлашни охирига етказмоқда. Ушбу ҳужжат, маълумки, сайловда партиянинг асосий ташриф қоғози вазифасини бажаради.

Халқ фаровонлигини таъминлаш, оилалар, айниқса, эҳтиёжманд оилалар иқтисодий қўллаб-қувватлаш вазифасини ўзига устувор билган Халқ демократик партияси сиёсий платформасидан жой олаётган ташаббусларни тушунтириб бериш муҳим масала, деб ўйлайман.

Аввало барчамизнинг мақсадимиз республикамизни жаҳондаги иқтисодий ривожланган давлатлар қаторида қўришдан иборат. Халқ демократик партияси ҳам ана шу эзгу мақсадни қўзлаган.

Партиялар дастурларида мамлакатимиз иқтисодий ривожланиши учун чет эл инвестиция қўлми ва самарадорлигини ошириш; хусусий бизнес ва тадбиркорликни янада тараққий эттириш; иқтисоднинг таянч соҳаларини ривожлантириш; аҳоли яшаш шaroитини яхшилаш ва меҳнат билан бандлиги каби юзлаб вазифалар келтирилган. Мазкур вазифаларнинг амалий бажарилиши иқтисодий тараққиётимизга ижобий таъсир этишини инкор қилмаган ҳолда ўзақ, бош масалани Халқ демократик партияси тўғри қўя олган, деб ҳисоблаймиз.

Жамиятда охириги уч йил ичида барча зарурий ислохотлар ўтказилди. Республикаимизнинг халқаро мавқеи янада мустаҳкамланди. Жаҳон молиявий ташкилотлари республикамизнинг барқарор ривожланишига ишонч билан қарамоқда.

Сайловлар жараёнида ҳар бир сўз эътиборли бўлади. Халқ демократик партияси Сайловолди дастури лойиҳасида «...ижтимоий аҳамиятга моллик товар ва хизматлар нархлари ва тарифлари норматив ҳужжатларда белгиланган меъёрлар-

дан ошиб кетмаслиги учун ушбу нархларни шакллантириш устидан қатъий давлат ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш» тўғрисида фикр юритилди.

Ушбу хулосага партия рақиблари «бозор шароитида нархни талаб ва тақлиф белгиллаши керак», деган хулоса билдиришидан олдин жаҳон ҳамжамияти мисолида қачон ва қай шароитда бозорга ўтилганига эътибор беришларини тақлиф қилган бўларди. Шунингдек, бугунги ўшди даврида бир аср олдинги шароитдан кўра, технологик тараққиёт ва Ўзбекистоннинг фойдаланилмаган ички ва ташқи имкониятларидан келиб чиққини тавсия қилган бўлар эдик.

Бугун пул массасини назорат этиш, валюта бозоридаги экспансия ва протекционизм сиёсати қанчалик зарур бўлса, нархлар сунъий ўсиб кетишининг олдини олиш масаласи ҳам шунчалик аҳамиятлидир. Чайқовчилик – тадбиркорлик эмас. Республика худудий субъектлари ўртасида аҳоли истеъмол товарлари тақсимотининг самарали йўлини топиш бозор тамойилларини инкор этиш эмас, балким халқи ижтимоий ҳимояланган иқтисодий ривожланган мамлакатлар қаторидан жой олишини аниқлатади.

Халқни, оилани иқтисодий қувватлаш бугунги кунда Президентимиз томонидан қўйилган асосий вазифа ҳисобланади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Агар халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади», деган тамойилга устуворлик берилган.

Республикамизда 8,3 миллион оила бўлиб, уларнинг фаровонлиги

жамият фаровонлигини аниқлатади. Бюджет тақчиллиги шароитида Халқ демократик партияси ўз тақлифларини амалга ошириш учун муомалада бўлган пул массаси тезлигини ошириш орқали арзон, доимий молиявий манбани топишга муваффақ бўлган ва энг самарали йўллар билан оила иқтисодини қўллаб-қувватлаш йўллари аниқлаган.

Халқ демократик партияси Сайловолди дастури лойиҳасида аҳоли турмуш даражасини белгилаш, ижтимоий сиёсат ва давлат ижтимоий дастурларини ишлаб чиқиш жорий этиш, шунингдек, меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар, стипендиялар, нафақалар ва бошқа ижтимоий тўловларнинг энг кам даражасини белгиллашда халқаро ҳамжамиятда умум қабул қилинган кўрсаткичлар жумласига кирувчи «истеъмол саватчаси» ҳамда уни ҳисоблаш ва қўллаш тартибини амалиётга киритиш тақлифи келтирилди.

«Истеъмол саватчаси», деганда республика фуқароларини ижтимоий ҳимояланган ҳолда, барча кўрсатилмаган хизматлардан фойдаланиб, соғ-саломат ҳаёт кечиришни таъминлаш даражаси тушунилади. Яъни инсоннинг яшаш шароитини таъминлаш даражаси пулда ифода-ланади.

Демак, қанча маблағ кўп сарфланса, инсон яшаш шароити яхшиланади, унинг иқтисоддаги ўрни шунчалик кенгайиб боради. Акс ҳолда, бунинг тескариси – билимсизлик, касалланиш ва меҳнатга қобилиятсизлик қўлайиб, ўлим ёш жиҳатдан пасайиб, сон жиҳатдан ортиб боради ва ҳ.к.

Иккала ҳолат ҳам маблағ талаб этади. Биринчиси қанчалик маблағ кўп сарфланса, жамият ривожланиб боради. Иккинчи ҳолда бунинг акси, маблағ сарфлаган билан меҳнат кучлари йўқотилиб, иқтисодий таназзулга учиради. Мазкур ҳолатдан ижобийсони танлаш ва уни мумкин қадар илмий асослаб, халқаро талаблар

даражасига етказишни Халқ демократик партияси ўз дастурида кўрсатмоқда.

Аҳоли яшаш шароитини яхшилаш ва уни ривожланган мамлакатлар даражасига етказиш янги Ўзбекистонни қуришнинг биринчи кунларидан бошланган эди. 2016 йилнинг декабрь ойидан бошланган тадбирларда ўнлаб триллион пуллар сарфланди. Афсус, бу маблағларнинг самарадорлиги аниқланмади ва кам таъминланган оилалар аксарияти бугунги кунда ҳам ўзини ўзи боқишга қийналмоқда.

Чунки жойларда оила иқтисодини мувофиқлаштириш тизимли ташкил этилмаган. Мисолларга мурожаат этсак, 2017 йилнинг охирига ва 2018 йилнинг биринчи чорақларида Хоразм, Андижон ва Тошкент вилояти ҳамда Қарақалпоғистон Республикасининг қатор туманларидаги кам таъминланган оилаларга берилган кредитлар билан танишганимизда кредитга тикув машинасини сотиб олган оила мато ва бошқа маҳсулотлар сотиб олишга нақд пули ва тикишга буюртмаси йўқ; кимга нима тикиб беришни билмайди; сотувга чиқарган маҳсулотига сифати пастлигидан харидор топа олмайдиган; сотиб олган қора молга озуқа йўқ ёки сутни сота олмайдиган; кредитга бозордан чорва ҳайвонлари сотиб олмақчи бўлинса, банк нақд пул бермаслиги каби ўнлаб сунъий тўсиқлар борлиги кўриниб қолди.

Қонуности ҳужжатларда келтирилган чекловлар аҳолига олдиндан нақд пул бериб, одамларни маҳсулот этиштиришга қизиқтиришга тўқинлик қилмоқда. Бугун янги Ўзбекистон қурилишида республиканинг барча вазирлик ва идоралари иқтисодийти-мизда рўй берган ўзгаришларга мос ҳолда ўз ҳуқуқий-меъёрий асосларини кўриб чиқишлари зарур.

Халқ демократик партияси иш ўринлари ташкил этиш, оилаларга доимий даромад манбалари яратиш

масалаларида муҳим ташаббусларни илгари сурмоқда.

Партия аҳоли яшаш шароитини яхшилаш, жумладан, эҳтиёжманд оилалар иқтисодини барқарорлаштириш орқали жамият ривожланишини таъминлаш мақсадида янги Минимал давлат ижтимоий стандартлари тўғрисида, Яшаш минимуми ва Истеъмол саватчаси тўғрисида ҳамда бошқа бир қатор муҳим қонунчилик ташаббусларини илгари суряпти.

Мен, шунингдек, партия кластер қорхоналари, иқтисодий самарадорлик, Ўзбекистон Республикасининг ягона молиявий баланси тўғрисидаги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда фаоллик кўрсатади, деб ишонаман. Партия ўз олдида қўйган вазифаларни бажариш давомида Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги, «Қимматли қозғалар бозори тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлари, Оила кодекси ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга ташкилотчилик қилишини кутаман.

Президентимиз ўтган ҳафта, 18 октябрь куни Сурхондарё вилояти фаоллари ва халқ депутатлари билан бўлган учрашувда таъкидлаганидек, ўзгаришларга маҳлиё бўлиб ўтирадиганлар даври эмас, қозғода эмас, амалда ишлашимиз керак ва жамоатчилик назоратини қўлайитириш зарур.

Халқ демократик партияси Сайловолди дастури лойиҳаси барчани янгилашга қўлайитириши. Аҳолининг яшаш шароити яхшиланса, жамиятда эҳтиёжманд оилалар иқтисодийти барқарорлашиб бора, макроекономика ривожланади ва шиддат билан ўзгараётган дунёда Ўзбекистон ўз ўрни ҳамда мавқеини мустаҳкамлайди.

Ашур ҚОДИРОВ,  
иқтисод фанлари доктори,  
профессор.

## Аёлларга биринчи бор сайлов ҳуқуқи

қачон берилганини биласизми?

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, сенатор Мақсуда Ворисова партия томонидан илгари сурилаган гоя ва ташаббуслар, вазифалар ҳусусида тўхталиб ўтди. Шунингдек, у хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқ ва имкониятлари кафолатлари тўғрисидаги қонунни қисқача шарҳлади.

— Аёлларга биринчи бор сайлов ҳуқуқи қачон берилганини биласизми, — деди у иштирокчиларга қарата. — Бу ҳолат илк бор 1893 йилда Янги Зеландияда қўзғатилган. Исломи давлатлари орасида дастлаб 1917 йилда Кримда хотин-қизлар сайлаш ҳуқуқига эга бўлган.

Ўзбек халқи қадим-қадимдан оналарни, аёлларни эъзозлаган, уларга ўзгача ҳурмат билан муносабатда бўлган. Мустақиллик йилларида ҳам хотин-қизларнинг ҳуқуқларига доир турли ҳужжатлар, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди. Лекин аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлиги тўғрисида қонунимиз йўқ эди. Жорий йилда мазкур қонун лойиҳаси тайёрланди. Бу жараёнда қатор хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилди. Шунингдек, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва халқаро ташкилот бўлимлари томонидан экспертизадан ўтказилди. Шундан сўнг лойиҳа аҳоли муҳокамасига қўйилди. Унда 2200 нафарга яқин фуқаро иштирок этди. Улар томонидан билдирилган 82 тақлиф қонунда ўз аксини топти. Ўйлаймани, ушбу қонун жамиятда аёлларнинг мавқеини янада оширишга хизмат қилади, — деди у.

— Бугун ҳаётимиздаги унутилмас кунлардан бири, — деди тадбирнинг яна бир иштирокчиси, Тошкент молия институтини талабаси Шаҳодатхон Наврўзова. — Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ўринбосари, сенатор Мақсуда Ворисованинг қўлидан партияга аъзолик гувоҳномасини қабул қилиб олдим. Биласизми, анча вақтдан буюн сиёсий партиялар фаолиятини қўзғатиб бораган. Уларнинг орасида кўнглимга, дунёқарашимга мос келгани Халқ демократик партияси бўлди. Ўйлайманки, мен бу партияни таллаб адашмадим.

— Бугунги тадбир давомида сиёсий билимларим ҳали етарли даражада эмаслигини, кўп ўқиб, ўрганишим лозимлигини аниқладим, — дейди Тошкент Молия институтини талабаси Мухлиса Ҳамдамова. — Айниқса, мамлакатимиз тарихида илк бор қабул қилинган Сайлов кодекси тўғрисида кўп маълумотларга эга бўлдим. Бунинг учун тадбир ташкилотчиларига миннатдорлик билдираман.

Тадбир сўнггида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Маҳлиё АЛИҚУЛОВА,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Давоми, бошланиши 1-бетда.

Пискент туманидаги «Ёшлар» боғи эрталабдан одамлар билан гавжум бўлди. Кимдир Ўзбекистон ХДП белгиси ташкирилган байроқни кўтариб ичкарига шошса, яна кимдир янги топириқ билан қаёқадир отланади. Бу ерда ҳам «Ижтимоий ҳимоя ва фаровонлик учун курашамиз» шиори остида анжуман ташкил этиляпти. Гоҳ-гоҳида ёш иштирокчиларга маслаҳат топириқ бераётган овозлар қулоққа чалинади. Улар орасида тайёргарлик ишларини жонсаралик билан назорат қилиб турган Ўзбекистон Халқ демократик партияси туман кенгаши раиси Дилбар Комилованинг овозидан таниб олдик. Унинг ҳаёжонини тушуна бўлади. Олдинда муҳим сиёсий жараён, сиёсий майдондаги шаффоф курашлар кутмоқда. Бугунги тадбир эса бевосита ана ушба бошланмаж ишларнинг дебечасидир.

## Халқ демократик партияси

бирдамликка, ҳамжиҳатликка бошлайди

Халқимиз турмуш даражасини янада оширишни мақсад қилган партия гоълари мана шундай ноанъанавий тадбирларда намоён бўлмоқда.

Бу галги сайловолди тарғибот тадбирига 300 га яқин киши йиғилди. Туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси, «Нуроний» жамғармаси раиси Ж.Откуллов тадбирни очаркан, Халқ демократик партиясининг гоъяси инсонпарвар гоъя экани тўғрисида тўхтади.

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти кенгашининг бўлим мудири Баҳодир Файзиёв йиғилганларни партия дастури, Сайлов кодексига оид маълумотлар билан таништирди.

Дилбар Комиловани эса пискентликлар амалий ишлари билан яхши танийди. Шу боис у камроқ гапириб, одамларни эшитиш, уларнинг қизиқишларини ўрганишга асосий эътиборини қаратди. Чунки бу партия фаолияти учун ҳудудам муҳим эканини яхши билади. Зеро, депутатлар оддий халқ, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш йўлидан боради. Бунинг учун эса оддий аҳолини кўпроқ тинглаш, уларнинг яшаш тарзини ўрганиш керак. Шу мақсадда партияга ҳамроҳлик қилиш истаги бўлганларни сафларимизга қабул қилиш юксак шараф эканини алоҳида таъкидлади.

Табиики, навбат ранг-баранг саҳна кўринишларига берилганида тадбир руҳи янада кўтарилди. 30-боналар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчи ва ўқувчилари, туман маданият уйи санъаткорлари ўз маҳоратларини намойиш қилиб, олқишларга сазовор бўлди. Иккери этилган куй-қўшиқлар, гўзал рақслар тадбир ўтказилаётган бонжа сайр қилишга чиққан фуқароларни ҳам даврга чорлади.

Тадбир давомида сиёсий

руҳдаги савол-жавоблар ҳам қизиқарли ташкил этилди. Унда каттаю кичик иштирокчилар ўз билимларини синовдан ўтказиш имкониятига эга бўлишди. Албатта, голиблар совғалар билан тақдирланди.

Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ҳомийлик қилиш. Кимдир ажойиб совғага, яна бошқаси унутилмас хотираларга эга бўлди. Тарғибот тадбирдан мамун бўлган иштирокчилар Пискент туман кенгашига миннатдорлик билдириб, сайловларда фаол иштирок этиш ва партияни қўллаб-қувватлашга ваъда ҳам берилди.

— Биласизми, янги гоъялар, фикрлар қачон юзага келади, мана шундай тадбирларда, файзли давраларда, — дейди Саодат Сандабоева. — Муҳими, одамлар бирлашиши, бирдамлик, ҳамжиҳатликни ўрганади. Фарзандларимизда лоқайдликка қарши курашиш, огоҳ бўлиш тушунчалари шаклланади. Оммавий тадбирлар мана шу жиҳатлари билан аҳамиятли. Энди партия ишига келсак, бу ёғини вақт кўрсатади. Тилагим, мутасаддилар ва маъсуллар охирига қадар ўзгармасин, одилона, оқилона тутган йўлларида омад ёр бўлсин. Нима ҳам дейишим мумкин бошқа...

Яна кўпчилик билан суҳбатлашдик, улар учун қизиқ ва муҳим бўлган масалаларда маълумотлар олдик. Умумий хулоса шуки, одамларнинг кайфияти яхши, партияга нисбатан ишончи ортиб бормоқда.

Зилола АНВАРОВА,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

## Тарғибот тадбирлари давомида одамлар ишли бўляпти



Яккасарой туманида Халқ демократик партияси томонидан ўтказилган тарғибот тадбирида 4 нафар хотин-қиз ишга жойлашди. Бир нафари касб бўйича ўқишга йўлланма олди. Иккинчи гуруҳ ногиронлиги бўлган 20 нафар опа-сингилларимиз эса уйда ўтириб, меҳнат қилиш имконига эга бўлди...

Пойтахтимиздаги «Дўстлар» боғига етиб борганимизда, Яккасарой туман партия кенгаши раиси Муҳаббат Абдуллаева бизни ана шундай хушхабар билан қутиб олди.

— Ҳар бир сиёсий партиянинг тарғибот ишларини бевосита қўзғатиб бораёган, — дейди у. — Уларнинг барчаси ўзига хос услубда ташкил этилмоқда. Хусусан, Халқ демократик партияси томонидан ўтказилаётган тадбирларда иштирокчилар партия фаолияти ҳамда янги Сайловолди дастури тўғрисида кенгрок маълумотларга эга бўляпти.

Биласизми, туманимизда «Ижтимоий ҳимоя — тараққиёт гарови!» шиори остида ўтказилиши режалаштирилган тадбир дастури ҳақида узоқ бош қотирдик. Янгилик қилишга уридик. Маслаҳатли тўй тарқамас, деганларидек дастлаб депутатлар билан кенгашиб олдик. Натижани ўзингиз қўриб турибсиз, барча хурсанд. Кимдир «Депутат энг яқин ёрдамчи» бурчагига ўзини ўйлантираётган масала бўйича мурожаат қилляпти. Бошқалар эса кўрғазмада намойиш этилаётган ҳунармандлик маҳсулотларини кўздан кечирмоқда. Туман Бандликка кўмаклашиш марказидан келган мутахассис опа-сингилларимизни бўш иш ўринлари билан таништирмоқда. Бир гуруҳ ёшлар эса концерт дастури бошланишини интиқлик билан кутмоқда.

Муҳаббат Абдуллаева сўзини аяқуллаб, энг кўп одам йиғилган раста томон ошиқдик. У ерда миллий либосдаги сочи қирқ кокил қилиб ўрилган кўрпачоларни кўрдик. Кўл меҳнати асосида яратилаётган ўйинчоқларни меҳр билан қўлида тутиб турган опани суҳбатга чорладик.

— Йигирмага яқин хотин-қизни иш билан таъминлашни ният қилганимиз, — деди Нозима Ирнарарова. — Тадбир бошланмасидан олти нафар опа-сингилларимиз ишимизга қизиқиш билдиришди. Бундан жуда хурсанд бўлдим, очиги.

Болалигимда ўйинчоқларим кўп бўлишини, уларга турли-туман кийимлар тикиб, қийдиришни яхши кўрардим. Шу сабаб бўлдими, бугунги кунда кичик тадбиркорликка кўп урдим. Миллий ўйинчоқлар тайёрлаб, юртимиз бозорларида сотяпмиз. Келажақда экспортроб маҳсулот тайёрлаб, жаҳон бозорларига қизиқ ниятдаимиз.

Яна бир орзуим бор. Уйда ўтирган, фарзанд тарбияси билан банд хотин-қизларга ўй шароитида ишлашлари учун имконият яратиб бермоқчиман. Бунинг учун ҳар кун эрта тонгдан зарурий маҳсулотларни уларнинг уйларига тарқатамиз. Кечки пайт эса тайёр қилишларни олиб, мижозларга етказамиз.

— Ишимиз жуда қизиқ, — деди «Алюко текстиль» пайпоқ цехи раҳбари Дилшод Мусабоев. — Айниқса, совуқ тушган сари маҳсулотимизга талаб кўпаяди. Биз мавсумга пухта тайёргарлик кўряпмиз. Зарур қўшимча дастоҳларни ўрнатиб бўлдик. Айни вақтда яна 6 нафар ишчига муҳтожмиз. Ўйлайманки, бугунги тадбир давомида ўқувчи кадрларни ишга оламиз.

— Ушбу тадбирда 13 та қорхона ва ташкилот 173 бўш иш ўрни билан иштирок этияпти, — деди туман бандликка кўмаклашиш маркази ходими Жасурбек Қосимов. — Ўйлайманки, тадбир давомида ўнлаб инсонлар ўзларига маъқул, ҳар томонлама мос иш ўрнига эга бўлади.

Бироз ўтиб, концерт дастури бошланди. Истеъдодли йигит-қизларнинг чиқишлари йиғилганларга хуш кайфият улашди.

Шерзод ШОДМОНОВ,  
Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши бош референти.

## Орзу қилишни ўрганган Орзу



— Биласизми, авваллари орзу қилиш у ёқда турсин, бирор яхшироқ нарсани ўйлашга, умид қилишга ҳам кўрқардим, — дейди Орзу Идинова. — Ота-онанинг ҳам жисмоний, ҳам руҳий аҳоли оқибатида ногирон бўлиб қолганман. Уларни ёмон қўришни ҳам, севиниш ҳам билмайман. Бор ёки йўқлиги ҳаётимни ўзгартирмас керак. Гамхўр ва яхши инсонлар, давлатимиз туфайли кўчада қоладим. Ўқияпман, ҳатто ўзим ёқтирган спорт тури билан ҳам шугулланаяпман. Ҳозир энг аввало яхши ўқишим керак. Келажақда оппоқ орзуларим каби ўз уйим бўлишини хошлайман. У ерда оилам ва фарзандларим билан бахтли ҳаёт кечираман. Ота-онамга ўхшашни сира хошламайман. У шуларни гапиряётиб, бирдан ўқиниб кетди, қўзларига ёш қалқди.

Орзу билан Ўрта Чирчиқ туманида бўлиб ўтган тарғибот тадбирида танишдик. Айни пайтда у Тошкент вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги 124-маҳсус мактабнинг 8-синфида ўқияпти. Отаси кўп ургани туфайли, руҳий зўриққан. Қалтак зарби оқибатида баъзида тутқаноқ касали хужур қилиб қолади. Ҳали 15 ёшга ҳам тулмаган бу қизалоқни тинглар экансиз, худди катта одам билан гаплашгандек хис этасиз ўзингизни. Дафъатан қарнай-сурнай овози янграб, Орзу билан суҳбатимиз узилиб қолди...

Четдан қараганда оддий концертдай бўлиб кўринган сайловолди тарғибот шоуларига Ўзбекистон ХДП сайловолди дастурининг мазмун-моҳияти, унда илгари сурилаган гоъялар ҳақида тушунчалар бериляпти. Сайлов кодекси ва овоз бериш жараёнидаги ўзгаришларга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биргина фарқи, бу ишлар бир неча кишининг зери-карли маърузалари билан эмас, омма олдида, очик майдонларда аҳолини қалб қилган ҳолда уларнинг фикрини, юрагидаги гапларини эшитиш орқали амалга оширилмоқда. Ҳамюртларимиз орасида «Бўларкану» деган сўзларни ҳам эшитяпмиз. Демак, ростдан ҳам ноанъанавий усул кўпроқ самара бермоқда. Натижада одамлар кўнглига йўл топиш, яшаш тарзи, истаклари,

партиялардан нималар кутаётгани билан яқиндан танишиш имкони юзага келмоқда.

Ўрта Чирчиқ туманидаги тарғибот тадбирида Халқ демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши раиси Сайёра Файзиёва сўзга чиқиб, ислохотларда дахлдорлигининг биринчи белгиси сайловларда фаол қатнашиш, ўзи учун муҳим йўналишларни белгиллаб олиш ва шу асосда партияларга эргашиш эканини таъкидлади.

Туман партия кенгаши раиси Феруза Бабаева тадбирнинг моҳияти, мақсади ҳақида тўхталиб ўтди. Партиянинг гоъялари ҳаммиса халқ билан ҳамнафас бўлишга қаратилганини алоҳида қайд этди. Аҳоли мурожаатлари ҳаммиса эътибор марказида, уларга ечим топишга кўмаклашиш устувор вазифаларимиздан, дея таъкидлади.

Одамлар билан фикр алмашиш, уларни қизиқтирган саволларга жавоб бериш ва турли беллашувлар тадбирнинг жонли ўтишини таъминлади. «Ижтимоий ҳимоя ва фаровонлик учун курашамиз» мавзусидаги бу тадбирда санъаткорлар ҳам иштирок этишди. Хонанда Абдулла Қурбонов ажойиб қўшиқлари билан дилларни ҳушуд этди. Сўз устаси Аваз Охун эса йиғилганларга қўли улашди. Туман маданият уйи ҳамда туман мактабга таълим муассасалари тарбияланувчилари томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар шўх рақсларга улашиб, даврга ўзгача завқ бағишлади.

Шу кунги ногиронлиги бўлган 100 дан ортқ болаларга совғалар берилди. Шунингдек, МТМ мудирлари ва мактаб раҳбарларидан бир гуруҳига партияга аъзолик гувоҳномалари топирилди. Дарвоқе, Орзунинг орзулари ҳақида гапиряётгандик. Орзу юқорида таъкидлаганларидек, бағрикенг инсонлар, партияимиз фаоллари кўмағида, уларнинг бегараз ёрдамлари туфайли қиз-кин ҳаётга қайтди. Пухта таҳсил олишга киришди... Унинг орзулари қанот ёймоқда...

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Янги иш ўрнининг яратиш орқали четда юрган 10 мингга яқин тумандошларимизни бағримизга қайтарсак, дейман.

# ОЛИС МАНЗИЛЛАРДА ПОРЛАГАН ЁҒДУ

Эллиққалъа туманида амалга оширилаётган ислохотлар, янгиликлар, ўзгаришлар ҳақида

## ИНСОН МАНФААТИ ҲАР НАРСАДАН УСТУН

**Машина чироқлари нури Қизилқум чўллари бағрини тилиб, олдинга интилади. Йўл ёқаларида, унда-бунда туялар ўрқачларидек, кўнкайган саксовуллар кўзга ташланиб қолади. Олисда ёғду кўрилади.**

— Хайрат, одамлар яшайдиган манзилларга ҳам етиб келяпмиз, — дейди наманганлик ҳамроҳимиз Ғулмўмон Худойбергенов. — Чўл бағрида қариб тўрт соатдан буюн йўл босаяпмиз. Бу ерларда ҳаёт бормикан, деган ҳаёлга борасиз.

— Замондошларимизнинг матонати шунда. Бўстонга борганингизда кўрасиз. Хамма ёқ ям-яшил дарахтзор. Нақ бўстоннинг ўзи, дейсиз. Бу шаҳарча ватандошларимизнинг меҳр-саховати билан ана шундай биёбонларда барпо этилган, — деди тошкентлик кўлигул тadbиркор Қудратилла Эрденов машинаси ролини ахтиёркорлик билан бошқарганча йўлдан кўзини узмай.

Менинг эса, фикру ҳаёлимда таҳрият учун бу олис манзилларда, аҳоли фаровонлигини кўзлаб барпо этилаётган шаҳар ва кишлоқлар, саноят корхоналарию хизмат кўрсатиш шохобчалари, таълим муассасаларию, турар жойлар, кўчалару боғу бўстонлар, барча-барча соҳалардаги ўзгаришлар, янгиликлар ҳақида кўнчилиқда фикр уйғотадиган, туркум мақолалар тайёрлаш, уларнинг яратувчилари — замондошларимизга нисбатан меҳр-муҳаббат, ҳурмат ва эътибор туйғуларини мароқ билан ифода-лаш.

Журналистчасига айтганда, воқеанинг ичида бўлиш, Президентимиз раҳбарлигида ҳаётга тadbик этилаётган истиқболли режа ва лойиҳалар қандай амалга оширилаётганини ўз кўзимиз билан кўриш ва одамларнинг бугунги кайфиятини билиш учун ижодий сафарга — мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларидан бири Қорақалпоғистон Республикасининг Эллиққалъа туманини қўралиб бораётимиз.

Эллиққалъада аввал ҳам бўлганмиз. Бундан қариб ярим аср муқаддас бу ерда не-не матонатли инсонлар кечаю кундуз чўл билан курашиб, саховатли она заминнинг гўзал жамолини кўп бар-ханларидан тазолаган. Ўзлари ёзинг жазирасини, қишнинг қаҳрига доз бериб, вагон уйларида яшаб, келажак авлод учун турар-жойлар, мактаб ва боғчалар, маъмурий бинолар барпо этишган. Чўлни чинакамга чекитиб, йўл очиб, боғлар, бугдойзорлар, ададсиз пахтазорлар, экин-тинч майдонларини ўлаштирган. Бир суз билан айтганда, матонат билан бугунги авлод учун биёбонда мана шу Бўстон деб аталадиган сўлим шаҳарча-ни бунёд этишган. Ҳозир кўм-кўк арчазор, дов-дарахт, боғу роғларга бурканган бу жаннатонанд туманда 150 минг аҳоли истиқомат қилади.

Ҳўш, бугун аҳолининг турмуш тарзини янада яхшилаш, орзу умидларини рубга чикариш борасида туманда қандай эзгу ишлар амалга оширилмоқда?

Туман ҳокими, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси депутати, «Со-дик хизматлари учун» медали соҳиби Сейдамад Азевоз билан учрашганимизда у ки-шининг ўз кўзидан масъулиятни чўкур ҳи-қладиган, мулоҳазали инсон экани яққол кўриниб турарди.

«Шу кўнларда нима ишлар билан кўп-рок бандсиз?» деган саволимизга бироз тин олиб, — Ўн мингга яқин тумандошлари-миз чет элларда иш излаб савгарадон бўлиб юрибди. Уларнинг бегона юртлардаги аҳо-ли, кишлоқларида қолган оила аъзолари-нинг тақдирини ҳаёлимдан кетмайди. Янги иш ўринлари яратиш орқали уларни қисқа муддатда бағримизга қайтарсак, дейман. Ҳозир туманда жорий йил давомида жами 278 та корхонада 2835 нафар норасмий фаолият кўрсатаётган иш ўринларини те-лағлаштириш бўйича режа топшириги та-сдиқланган. Йилнинг биринчи яримидак амалда 2955 нафар (104,2%) ишчи ҳодим-лар фаолиятини легаллаштирилган. 9 ойда бу кўрсаткич режа бўйича 3510, амалда 3630 нафардан зиёд, йил охирига бориб, 4305 дан ошади.

Жорий йил якунигача 86 та доимий иш



ўрини яратилади. 936 нафар фуқаро кре-дит маблағлари бериш ҳисобига иш билан банд қилинади. Давлат дастури доирасида 305 нафар киши иш билан таъминланади. Жами 1327 та иш ўринлари яратиш кўзда тутилган. Мақсадимиз бу кўрсаткичнинг 1385 тага етказиш.

Аммо булар билан ҳали масала ўз ечи-мини топмайди. Ўзимиз ташаббус кўрсатиб қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқиши-миз зарур.

Тупроққалъа ҳудудидан эрмизидан ав-валги I-VI асрларга мансуб, ичида узум уру-ғи доналари бўлган кўзалар топилган. Бу топилдиқ бизни ўйлантириб қўйди. Демак, бу ерларда қадимда истиқомат қилган ў-мишдошларимиз деҳқончилик, боғдорчи-лик билан шугулланишгани аниқлашди. Ўйлаб қарасак, ҳозир ҳам хонадонларимиз-даги узумлар таъми бошқа жойлардагидан ширалироқ. Бу янгилик кўнглимизда учун ташлади. Самарқандлик Анвар Содиков исмли бир тadbиркор туманга ўз инве-стициясини киритиш ниятида ер сўраб му-ржабат қилди. Унинг билан шу масалада суҳбатлашиб, бўлажак ишларни режалаш-тирдик. Гектаридан бориңки, ўн тонна узум олинса, қилоси ўртача беш минг сўмдан олтинса, қанча бўлади? Энг миллион сўм. Ваҳоланки, туманимиз шароитида ҳосилдорлиқни йигирма тоннагача кўтариш имконияти мавжуд. Бу бир гектар ердан пахтадан олинган даромадга нисбатан анча-мунча кўп. Анваржон ун юз гектар ер сўради. Мен унга беш юз гектар таклиф қилдим.

Давлатимиз раҳбари шу йил 21 августда Нукус шаҳрида ўтказган амалий йиғилишда туманимизни жадал ривожлантиришинг беш муҳим йўналишини белгилар экан, кутганимиздек, узумчилик ва туризмга икти-сослашаниш таклиф этди. Бу борадаги ло-йиҳамиз ўз тасдиғини топганидан руҳланиб, замонавий узумчилик кластерини ташкил этдик. Бунинг учун «Тупроққалъа» мавзеси-да «Эллиққалъа саховати» масъулияти чек-ланган жамияти томонидан 1000 гектар майдонда умумий қиймати 32,2 миллиард сўмлик лойиҳани амалга ошириш ишлари бошлаб юборилди.

Яқин келажакда 2000 гектар майдон-да шундай ишлар амалга оширилади. Ётиштирилмаган маҳсулотдан шу еринг ўзида сифатли вино, қоняк спирти ҳамда узум шарбати ишлаб чиқарилади. Энди ҳисоб-китоб қилайлик. Буларнинг барчаси-да тумандошларимиз ишлайди. Улар учун тайёр иш ўринлари. Биргина тadbиркор ки-ритаётган инвестициядан шунча даромад олиш имконияти бизга алҳом бағишланди. Мезбон томон турушимизни «Сизларни бу-гал қадимдан сакланиб қолган роғларга олиб борамиз, ҳозир ҳам у ерларда ёввойи одамлар истиқомат қилишади», деб чиқаришди. Албатта, қимдир бу гап ишонди, қимдир бийғида қулиб кўя қолди. Йўл орасак ҳам мўл юриб, атрофи чеганлар билан ўраб қилинган бир ман-зилга кириб бордик. Қўлимизда дурбинлар беришдик. Анча узоқ масофадан кўрдик, қамши қопламали уйларида ярим ялонғоч одамлар, қумгон қайнатаётган аёллар... Гоҳ-гоҳ найзаларини баянд кўтарган, би-

трилиб, 3-3,5 миллион доллар миқдорида маҳсулот экспорт қилинади, дегани.

Бундан ташқари, туманда «Bo'ston mega testail», «Bo'ston optimal tekstil» «Ellikqala teks», «Bustan silk», «ҚҚБ Экспорт» каби масъулияти чекланган жамиятларда 900 дан ортиқ ишчи ўринлар яратилди ва ра-қобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариб, экспорт салоҳиятимизни янада оширмоқда. Яқинда Жанубий Кореялик ҳамкорлар би-лан биргаликда 3 миллион 600 минг АҚШ доллари тўғридан-тўғри хорижий инвести-ция киритиш ҳисобига «Bustan lime stone», «Ellikqala medical textile» қўшма корхонала-ри ҳам ташкил қилинди. Буларнинг ҳаммаси туман аҳолиси учун янги иш ўринлари яратиш орқали мамлакатимиз иқтисодиё-тини мустаҳкамлаш, буюк келажак сари тараққиётга муносиб ҳисса қўлишидир. Шу кўнларда хотин-қизларимизни иш билан таъминлаш мақсадида ташкил этилаёт-ган тикувчилик корхоналарида ишга шай опа-сингилларимизнинг иштиёқини кўриб, бу каби хизмат турларини кўпроқ яратиш, уларга яқиндан амалий ёрдам бериш учун ҳаракат қилияпмиз. Энг муҳими, Президен-тимиз таъйидлаганларидек, халқимиз ҳаёт-дан мамнунлигини бугунқо кўрабोшласа энг олий мақсадимизга эришган бўламиз.

Туман санъат саройига қиравеириш-даги ҳолда арфа чалаётган аёл қиёфаси тасвирланган экспонат бор. Ажаблансан-киши, бу қадимий чолгу асбобининг тари-хига назар ташласангиз, айрим манбалар-да бу каби топилдиқларнинг эрмизидан 2800-2300 йиллар муқаддас римликлар, греклар томонидан яратилгани эътироф этилган бўлиб чиқади.

Ҳамроҳимиз, Эллиққалъа туман Маҳал-ла хайрия фонди раиси, танилиқ журналист Фарҳоджон Ибодуллоевнинг таърифлаши-ча, арфа чолгусининг қолдиқлари Тупроқ-қалъа бағридан ҳам топилган экан. Аф-суски, умрини бу манзилларда археологик қазилма ишларига бағишлаган буюк шарқ-шунос олим, археолог Сергей Павлович Толстовнинг Тупроққалъа, қадимий Хоразм заминидagi тарихий топилмалар, асори-атиқаларга бағишланган илмий-тadbиркор асарлари кенг омма билиши учун она тилимизда нашр этилмаган. Борлари ҳам илм аҳлигизинга маълум. Мадомики, арфа каби қадимий чолгу асбобларининг қолдиқ-лари бу заминдан топиладиган экан, халқи-миз санъати, маданияти тўғрисида қўшимча маълумот беради.

Мамлакатимиз мустақиллиги шарофа-ти билан бир гуруҳ журналистлар 1993-94 йилларда бир мuddат Ҳиндистонда мала-ка ошириш имкониятига эга бўлишганди. Мезбон томон турушимизни «Сизларни бу-гал қадимдан сакланиб қолган роғларга олиб борамиз, ҳозир ҳам у ерларда ёввойи одамлар истиқомат қилишади», деб чиқаришди. Албатта, қимдир бу гап ишонди, қимдир бийғида қулиб кўя қолди. Йўл орасак ҳам мўл юриб, атрофи чеганлар билан ўраб қилинган бир ман-зилга кириб бордик. Қўлимизда дурбинлар беришдик. Анча узоқ масофадан кўрдик, қамши қопламали уйларида ярим ялонғоч одамлар, қумгон қайнатаётган аёллар... Гоҳ-гоҳ найзаларини баянд кўтарган, би-

бир-бирларини қулаб, қичқираётган, йи-наётган болақайлар... Томоша қилдик, ҳайратландик. Маълум бўлишча, бу ўрам туристлар учун атайлаб тайёрлан-ган саҳналаштирилган кўринишлар экан. Ҳамроҳларимиз: «Улар ҳам сизларга ўх-шаган замонавий одамлар, иш вақти ту-гагач, ювиниб, тараниб, ўз хонадонларига жўнаб кетишади. Мақсад шу йўллар би-лан бу ерларга туристларни кўпроқ жалб қилиш», деб изох бердилар.

Албатта, бу каби имкониятлардан биз ҳам кенг фойдалансак бўлади. Эҳ-тимот, манзилга етиб келган сайёҳларни туяларга миндириб, қарвон кўринишида Тупроққалъа, Аёзқалъа каби манзилларга олиб бориш керакдир. Ёки Амударё со-ҳилларидан бирор жойни танлаб, мана шу ерларда халқимизнинг жасур ўғлони Жалопиддин Манғуберди Чингизхон кў-шинларига қарши жанг қилгани тўғриси-да саҳна кўринишини тайёрлаш керакдир. Шу тариқа сайёҳлар учун қўшимча йўна-лиш яратиш мумкин.

Айни пайтда Хоразмдаги Кўхна Урганч, Хива каби музей шаҳарларга 150 мингдан зиёдроқ туристлар қатнови ташкил этилган. Маълумотларга қараганда улардан 40-50 минг киши Эллиққалъадаги Тупроққалъа, Аёзқалъа қолдиқларини томоша қилиш учун бу ерга келишади.

— Ваҳоланки, ҳудудда қадимий Кат шаҳри, Аққоҳон қалъа каби тарихий маданият-маърифат масканлари қол-диқлари аниқланган бўлса-да, сайёҳлик манзиллари қаторига киритилмаган, — дейди Сейдамад Азевоз. — Айни пайтда туманимиз туризмга иктисослашиши муносабати билан 2 та замонавий меҳ-монхона, Аққоҳон соҳилида сайёҳлик манзили фойдаланишга топширилди. Бу йўналишдаги катта имкониятлари-миздан кенг фойдаланишимиз керак, албатта. Бундан ташқари, келгусида Гулдорусов овулида 70 ўринли, Аққоҳул-да 60 ўринли янги меҳмонхона, турист-тик комплекслар, пляж мажмуаси, рес-торанлар кураимиз. 2020-2021 йилгача 8 та меҳмонхонани фойдаланишга топ-шириш давлат дастурига киритилган. Меҳмонхоналарнинг ташқи кўриниши қадимий уйлارга ўхшаб бўлса-да, ичка-рида замонавий шaroитлар яратилган бўлади. Ҳозир Тупроққалъа қолдиқлари ҳудудида ўзига хос туристтик шаҳарча барпо этилган. У ерда йигирмага яқин қора уйлар тикланиб фойдаланиляпти. Сайёҳларнинг оқватланиши, дан олиши, маданий тadbирлар ўтказиш учун resto-ран ва бошқа зарур шaroитлари яра-тилган. Тақрибани ҳамроҳ-гидлар ин-глиз, рус ва бошқа тилларда хизмат кў-рсатишади. Бу ишларга «Аёзқалъатур» МЧЖ раҳбари Дилбар Каримбердиева етакчилик қилмоқда. Мақсадимиз, яқин келажакда «Халқаро туризм форуми»ни Эллиққалъада ўтказиш. Бунга ҳозирда-роқ, тайёргарлик қўрпаяпти.

Бу ерда мактабга таълим тизимини янада ривожлантиришга алоҳида эъти-бор қаратилмоқда. Туманда 3-7 ёшдаги болаларнинг 34 фоизи мактабга таъ-лим муассасасига қамраб олинган. Бу

йил 5 та давлат хусусий шерикчилик, 23 та оилавий нодавлат мактабгача таълим муассасалари фойдаланишга топши-рилди. Яна 10 та давлат, 7 та нодавлат таълим муассасасини ташкил этиш режа-лаштирилган. Яна бир янгилик, Ўзбекис-тон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг кўмаги билан Бўс-тон академик лицейи базасида Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика инсти-тутининг Эллиққалъа педагогика факуль-тети ташкил этилди. Энди туманда педа-гог кадрлар муаммоси бўлмайди.

Эллиққалъада айтса аразгулик ишлар шулардангина иборат эмас. Туман аҳли учун яратилаётган спорт заллари, сузиш бассейнлари, нурунийлар учун яратилаёт-ган шaroитлар, қурилатган йўллар...

«Обод қишлоқ» дастурига 2019 йилда 3 та манзил киритилган бўлиб, «Қирққиз», «Қиличқоқ» овуллари ва «Кичик Гулдор-син» маҳалласида катта кўламли қурилиш, таъмирлаш ва обodonлаштириш ишлари олиб боришмоқда.

Жумладан, автомобиль йўлларини таъмирлаш ишлари, лифдалар йўлакля-ри қурилиши, туңги ёриткичлар ўрнатиш, электр таъминотиини яхшилаш ишлари, газ таъминоти бўйича, ичимлик суви тармоқ-ларини қуриш ҳамда аҳоли уй-жойларини таъмирлаш, шунингдек, иқтимоий соҳа объектларини қуриш, таъмирлаш ишлари олиб боришмоқда. Бугунги кунда жами 25,3 миллиард сўмлик иш ҳажми бажарилди.

Туманда пахтачилик, пиллачилик, ба-лиқчилик кластерлари тузилиб, замонавий технологиялар асосида иссиқхоналар, ти-кувчилик цехлари барпо этилмоқда.

Бундан ташқари, «Ўзбекионпаксановат» уюшмаси нёғизида туманда 2017 йил 28 ноябрдан «BUSTAN SILK» масъулияти чек-ланган жамияти ташкил қилиниб ўз фао-лиятини бошлаган. Асосий фаолияти хом пиллани қайта ишлаб, ипак маҳсулотлари-ни олиш, ипак маҳсулотларини йигириш-тў-қи ишларини ташкил қилишдан иборат бў-либ, 41 та доимий ва 83 та мавсумий ҳамда 2741 та касаначи иш ўринлари яратилган. Корхона ва Хитой халқ Республикаси ўр-тасида 118 минг АҚШ доллари қийматида бўлган хом пиллани қайта ишлаб, ундан ипак маҳсулотларини олишга иктисослаш-ган асбоб-ускуналар шартнома асосида олиб келинган. Корхона тўлиқ ишга тушган-дан кейин йиллик қуввати 144 тонна қуруқ пиллани қайта ишлашга мўлжалланган.

Бунда иктисодийти модернизация қи-лиш билан биргаликда иқтимоий инфра-тузилмага ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Туман марказидан бир неча юз километр олисдаги «Чуқуриқоқ» аҳоли масканида «ЭКО-90» русумли сув тазалаш ишлоси-ни реконструкция қилиш билан бирга 1,2 км ичимлик суви қувури тортилиб, 78 хонадон тоза оби-ҳаёт билан таъминланган.

Эски бўш турган биноларни тadbир-корларга «О» баҳода бериш бўйича анча ишлар қилинмоқда. Дўстик овулида эски мактаб биносини «Эллиққалъа текс» МЧЖ раҳбари, тadbиркор Шароб Ҳўжаев таъмир-лаб, 70 ишчи ўрин яратиш, тикувчилик цехи ташкил қилган.

Сарабий овулида ҳам «Сарабий текс» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, тadbиркор Охунжон Явқачев эски мактаб биносини «О» баҳода олиб тикувчилик цехи ташкил қилган. У ерда ҳам ҳозирги кунда 40 ишчи ўрни яратилмоқда. «Обод қишлоқ» Давлат дастури доирасида Қиличқоқ ову-лида замон талаблари даражасида фао-лият кўрсатадиган 150 ўринли тикувчилик цехи иш бошлаган.

Туман ҳаёти янги босқичга кўтарилмоқ-да, одамларнинг дунёқараш ўзгармоқда, кўнлида нур пайдо бўлмоқда. Ушбу сатр-ларга нўқта қўйишга шайланиб тургани-мида иқтимоий тармоқларда ҳоқимнинг шахсан ўзи белгига этак боғлаб, пахтазорда тумандошларни билан бир сафда 79 кило-метр пахта тергани ҳақидаги таҳрири ўқиб қолдим. Гап ҳоқим қанча пахта терганида эмас, албатта. Бугун раҳбарнинг япу оти орасида бўлиши, ўзини уларга екин тути-ши муҳим аҳамиятга эга. Ҳоқим одамларга ишонч билдиrsa, меҳр кўрсатса, самимий бўлса, одамлар ҳам унга шунга яраша му-носабатда бўлади, ортидан эргашади... Ту-мандаги муваффақиятларнинг асосий оми-ли эҳтимот ана шундадир...

Ўктам ХАЙРУЛЛАЕВ,  
журналист.

## ЭЪЛОН

# «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

**2019 йил 21 ноябрь кuni бошланғич нар-хи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидаги очик аукцион савдоларини ўтказади**

Аукцион савдоларига Тош-кент шаҳар, Миробод тумани, Тур-кистон кўчаси, 7-уйда жойлаш-ган «TEMIR YO'L MAHSULOTINI SERTIFIKATLASHTIRISH MARKAZI» ДУК балансидаги 2001й. и/ч, д/р 01/614QBA, бошланғич нархи 27 540 000 сўм бўлган «GAZ 3102» русумли автотранспорт воситаси қўйлади.

Талабгорлардан буюртмана-маларни қабул қилиш, расмий иш кўнларига мазкур эълон чиққан кун-дан бошланади ва савдо кунидан 2 (икки) кун аввал соат 18:00да тўхта-тилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдоридаги закалат пули «TOSHKENT UNIVERSALAUKTSION SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА:00425, СТИР:302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақами-га тўланади.

Савдо қолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотида шартномасини имзолаш, тўланган закалат пули миқдори со-тиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақ-дирда, етишмаган суммани шарт-нома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари қўлатилади.

Мазкур автотранспорт воситаси қўқорида белгиланган савдо кунид-да сотилмаган тақдирда, у бўйи-ча такрорий аукцион савдолари, у сотилгунга қадар навбатдаги ҳаф-таларнинг ҳар пайшанба кунлари ўтказилади. Ушбу автотранспорт во-ситасига қизиқиш билдирган талаб-горлар, унинг ҳолати билан сотувчи ташкилотнинг қўқорида қўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишиш-лари мумкин.

Аукцион савдолари соат 15:00да бошланади ва қўйда кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод туман-и, Амир Темуր шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали).

Мурожаат учун алоқа воситала-ри: телефон: (71) 209-23-41; теле-факс: (71) 209-23-41, электрон поч-та: TUAS\_MCHJ@mail.ru.

Шунингдек, газетанинг 2019 йил 15 январь 4-5-сонли нашрида эълонда аукцион савдоларига қўй-илган «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК «ЎЗ-МОБАЙЛ» филиали балансидаги д/р 01/434JFA бўлган «EPICAN» русумли; д/р 01/785DCA бўлган «ДАМАС» русумли; д/р 01/793VBA бўлган «МАТИЗ3» русумли; д/р 01/893DCA бўлган «МАТИЗ3» русумли автот-ранспорт воситалари ушбу таш-килотнинг 2019 йил 11 октябрдаги 35-01-15/2939-сонли хатига асосан аукцион савдоларидан олинганлиги маълум қилинади.

Гувоҳнома № 005357

# БИР МАҚОЛАГА МАРКАЗИЙ БАНК МУНОСАБАТИ

«Ўзбекистон овози» газетасига

Газетанинг 2019 йил 12 сентябрь со-нида профессор А.Қодировнинг «Ўзбекис-тонда кредит олиш нега қийин? Бу тикорат банклари филиаллари амалда мустaqил эмаслиги билан боғлиқми?» сарлавҳали мақоласи билан танишиб чиқиб, қуйдаги мулоҳазаларини билдирди.

Мақолада тикорат банклари томонидан таълим кредитларининг ажратилиши маса-лаларига тўхталиб ўтилган бўлиб, унда муал-лиф томонидан «масаланинг ечимий таълим кредити тўғрисидаги низоми» қайтадан ишлаб чиқилиш ва унда тикорат банклари учун алоҳи-да кредит мабсасини аниқ белгилаш, кредит-ни бақалар йўналишида 5 йиллик имтиёз билан 10 йилга ва доимий рўйхатдан ўтган ҳудудидан қатъи назар, талаба мурожаат эт-ган тикорат банкдан берилиши кўрсатилиши керак», деган таклиф берилган.

Бугунги кунда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат пул-кредит сис-темини тақомиллаштириш ва Ҳукумат ҳамда Мар-казий банкнинг иқтисодиётга нархлар бера-дорлигини таъминлаш бўйича чора-тадбир-лари самарадорлигини ошириш тўғрисидаги» Фармони лойиҳаси ишлаб чиқулиб жамoатчи-лик муҳомаасидан ўтказиш учун regulation.uz сайтига жойлаштирилди.

Лойиҳада Вазирлар Маҳмасининг 2001 йил 26 июлдаги 318-сонли қарори билан тас-диқланган «Олий ўқув юртларида тўлов-конт-

ракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисидаги» Низомига бир қатор ўзга-ртиришлар киритилиши белгиланган.

Жумладан, 2020 йил 1 январдан бошлаб бозор ставкаларида фоизли харажатлар билан қисмини компенсация қилиш имконияти билан талабаларга таълим кредит ажратиш тизими жорий қилинмоқда.

Шу билан бирга, талаба доимий рўйхат-дан ўтган ҳудудидан қатъи назар истилган тикорат банкига кредит ажратишни сураб мурожаат этиши мумкинлиги белгиланмоқда.

Бундан ташқари, олий таълим муассаса-ларининг молиявий барқарорлигини ҳамда аҳолининг кенг қатлами учун олий таълимнинг ҳаммабдоғлигини таъминлаш мақсадида олий таълим муассасаларида контракт тўловини ойма-ой бўлиб тўлаш имконияти яратилган ва оширилган (табақалаштирилган) контракт тўловини тўлаш учун бозор механизмига асосланган кредит ажратиш бўйича тикорат банкларига тавсиялар берилган.

«Ўзбекистон Республикасининг Мар-казий банки тўғрисидаги» Қонунга мувофиқ Марказий банк банк тизими барқарорлигини сақлаб туриш, омонатчилар ва кредиторлар маънафатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш нуктаи назаридан банк фаолиятини назорат қилиди.

Қўнунчиликка асосан ҳам, амалда ҳам Марказий банк бевосита банкларнинг кредит-лаш сисбатига аралашмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг 2018 йил 23 мартдаги ПҚ-3620-сонли қарори билан айнан филиаллар томонидан кредит ажратишда боз банк билан қўшимча қилишувсиз мустақил қарор қабул қилиш ва кредит буротмаларини шаффофлик асосида рўйхатдан ўтказиш амалиёти жорий этилган.

Натижада, бугунги кунда банк филиал-лари боз банк томонидан беришган ваколат доирасида кредитларини бир босқичда муста-қил ажратмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Респу-бликаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги ПФ-5780-сонли Фармониға мувофиқ, банклар томонидан микрозапарнинг кредитга лавкатли-лигини баҳолашга асосланган ва филиаллар-да молиявий ресурсларнинг мавжудлигидан қатъи назар кредитларни соддалаштирилган тартибда ва тенг шартларда ажратишни кў-зда тутуви «модулли» кредитлар ажратиш амалиёти жорий этилмоқда. Ҳуусан, бугунги кунда 2 та «модулли» кредит тури тақриба та-риқасида амалиётда апробация қилинмоқда.

Таъхиллаш жоғзи, республикамиз банк тизимида кредит ҳисобварағини рўйхатдан ўтказиш Марказий банкнинг ахборот тизим-лариди 1 минутчага бўлган вақт оралиғида инсон омилисиз - автоматик тарзда амалга оширилади.

Мақолада кел

## Маҳсулот ўзимизники — Ўзбекистонники!

## «ASL OYNA» КОРХОНАСИДА

маҳаллий хомашё асосида юз фоиз импорт ўрнини босувчи  
маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда

Бугун мамлакатимизда саноатни ривожлантириш ва маҳаллийлаштириш, экспорт-боп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш юзасидан амалга оширилган кенг қўлмалли ишлар натижасида янги саноат корхоналари барпо этилмоқда, ташқи бозорга харидоригр маҳсулотлар тайёрлаш миқдори ва сифати ошмоқда. Хусусан, бир пайтлар бошқа давлатлардан сотиб олиб келган турли хил сигимдаги шиша идишлар ишлаб чиқариш ҳам республикаимизда тобора ривожланиб бормоқда.

Сергели туманидаги «ASL OYNA» масъулияти чекланган жамияти республикаимизда шиша идишлари ишлаб чиқарадиган асосий корхона ҳисобланади. Кўни кеча бу корхона ташкил этилганининг 10 йиллиги нишонланди.

— Бугунги кунда жамиятимиз Осиё минтақасида шиша идишлар ишлаб чиқарувчи етакчи корхона ҳисобланади, — дейди «ASL OYNA» масъулияти чекланган жамиятининг Ташқи иқтисодий фаолият ва маркетинг бўлими бошлиғи Бахт Бурабоев. — Дастлабки маҳсулотимиз 2009 йилда ишлаб чиқарилган эди. Утган йиллар давомида ҳар томонлама ривожландик. Корхонамиз ҳудуди 15 гектардан ортиқ майдондан иборат. Биринчи йил ишчилар сони 300 кишини ташкил этган бўлса, бугунги кунда 600 нафардан ортиқ киши уч сменада меҳнат қилмоқда.

2017 йил февраль ойида инвестиция дастури доирасида «ASL OYNA» МЧЖда Италиянинг «Stara Glass» ва «Баттеро» компанияларидан энг сўнгги замонавий технология билан жиҳозланган янги линия олиб келиниб, ишга туширилди. Бунинг натижасида кўнига 120 тонна қувватга эга иккинчи шиша эритиш печи фойдаланишга топширилди, заводнинг ишлаб чиқариш қуввати 70 фоизга ошди. Ҳозир корхонада йилига 200 миллионга яқин тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилади. Ушбу линияда халқро ва Европа сифат талабларига тўла жавоб берадиган турфа хил дизайн ҳамда сийимдаги рангли ва рангсиз шиша идишлари ишлаб чиқарилмоқда. Яна бир эътибор-

ли жиҳати, мақсуд идишлар мамлакатимизда етиштирилаётган мева ва сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, қадоқлаш, консерва, ёғ-мой, вино ва салқин ичимликлар саноати маҳсулотларининг харидоригрлигини таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Корхонада доимий равишда ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтириш борасида изланишлар олиб борилиши натижасида кўпгина ютуқларга эришилмоқда. Хусусан, айни вақтда завод «Bottero», «Stara Glass», «Revimas» (Италия), «Heye International», «PENNECAM», «MSK», «Buscher Emhart Glass» (Германия), «TIAMA» (Франция) каби жаҳоннинг етакчи ишлаб чиқарувчиларининг юқори технологик ускуналарига эга.

Заводда Марказий Осиёда ягона ҳисобланган игнасимон рекуператорли шиша пишириш қозони ўрнатилди ва у иш унумдорлиги юқорилиги ҳамда энергия ресурсларини иқтисод қилиш жиҳатидан анча тежамкор, шунингдек, бошқа турдаги қозонларга қараганда экологик тоза ҳисобланади. Автоматлаштириш тизими хомашёни тўлдириш ва шиша эритишдан тортиб тайёр маҳсулотни қадоқлашгача бўлган барча жараёнларни назорат қилиш имконини беради ва текшириш машиналари унинг физик параметрларига мувофиқлигини назорат қилади.

Корхонада 300 дан ортиқ турли хил шакли ва турдаги қолип тўпламлари мавжуд бўлиб, улар шиша идишларнинг 350 дан ортиқ турларини ишлаб чиқариш имконини

беради. Корхонада ишлаб чиқариш жараёни ва маҳсулот сифати халқаро стандартларга мос келади ва энг юқори талабларга жавоб беради, бунга йирик хорижий истеъмолчилар ва мустақил Европа лабораториялари аудитларининг ҳулосалари тасдиқлаган.

МЧЖда озиқ-овқат маҳсулотлари учун шиша идишлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ISO 9001:2015 халқаро стандарти бўйича сифат менежменти ва FSSC 22000 озиқ-овқат хавфсизлиги менежменти тизими жорий қилинган ва сертификатлаштирилган.

Шиша идишлар ишлаб чиқаришда фақат маҳаллий хомашёлардан фойдаланилиши корхона муваффақиятининг муҳим жиҳати ҳисобланади. Уни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган кварц қуми, доломит, оҳақтош, кальци-нацияланган сода каби хомашё компонентлари республикада мавжуд. Навоий вилоятидан ҳам керакли хомашё олинади. Корхона Ўзбекистонда юқори сифатли кварц қуми ишлаб чиқариш ва сотиш соҳасида ҳам етакчи ўринни эгаллайди.

— Заводимиз барқарор экспортчи корхона ҳисобланиб, ички ва ташқи бозорда юқори сифатли маҳсулотга эга истикболли жамият сифатида ўрин эгаллаган, — дейди «ASL OYNA» масъулияти чекланган жамиятининг тижорат ишлари бўйича директори Бахтиёр Остонов. — Бундай дейишимизнинг боиси, «Эфес Казахстан» ЯТТ АЖ, «UzCarlsberg» МЧЖ, «Ўзбекистон Шампани» АЖ, «Pulsar Group Brewery» МЧЖ ҚҚ, «Камхар» МЧЖ, «Афсар» ҚҚ, Агрофирма «Меҳнат» МЧЖ, «Inter-Rohat» ҚҚ каби йирик хорижий ва маҳаллий компаниялар билан муваффақиятли ҳамкорлиқни амалга ошириб келмоқдамиз. Шунингдек, жамиятимиз «Coca-Cola Bottlers Uzbekistan Ltd.» қўшма корхонаси ва «International Beverages Tashkent» (PepsiCo Bottler in Uzbekistan) МЧЖ қўшма корхонаси ҳам шиша идишлари етказиб беради. Компаниямиз маҳсулотлари экспорти

географияси йил сайин кенгайиб бормоқда. Агар яқин вақтга экспорт фақат Қозоғистон, Тожикистон ва Туркменистонга амалга оширилган бўлса, жорий йилдан бошлаб Грузия, Арманистон, Украина ва Қирғизистон бозорларига ҳам етказиб берилмоқда. Шунингдек, келажакда Россия ва Европа мамлакатларига шиша идишлар етказиб бериш юзасидан ишлар амалга оширилмоқда.

Яна шунинг алоҳида айтиш кераки, компаниямиз экспорт салоҳиятининг ошишида ҳукуматимиз томонидан саноатни ривожлантириш ва экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугун биз мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини янада ошириш ва маҳаллий бозорнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш мақсадида яна учта шиша эритиш печларини қуриш учун умумий қиймати 100 миллион АҚШ долларида юқори бўлган замонавий технологик ускуналарни олиб келишни мақсад қилганмиз. Бунинг натижасида йилига 200 дан 600 миллион донна шиша идиш ишлаб чиқарилади.

Корхонамиз ишчи-ходимларининг ижтимоий муҳофазасига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Ишчилар алоҳида кийим-бош ҳамда тушлик ва кечки овқат билан таъминланмоқда. Шунингдек, тиббиёт хонаси керакли асбоб-ускуна ва дори-дармонлар билан таъминланган.

«ASL OYNA» мамлакатимиздаги барқарор иш ўринларига эга, иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланиб бораётган, жаҳон бозорига рақобатбардор маҳсулот ишлаб чиқараётган истикболли корхоналардан бирига айланганини алоҳида эътироф этмоқ керак.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Санжар ШОҲУЛЛАҲОВ оғлан суратлар.



## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

## ЗАВОД «KRANTAS»

производит и реализует под заказ:



ГАРАНТИЯ 1 ГОД

- ▶ Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м3.
- ▶ Водовозы — 4, 8, 12 м3.
- ▶ Вахтовые автобусы 4х4 — 22 мест, 6х6 — 26 мест.
- ▶ Комбинированные поливочные машины — 4, 8 м3.

- ▶ Кислотовозы — 6, 8, 10 м3.
- ▶ Автогудронаторы — 6, 8 м3.
- ▶ Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.  
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АМАЛДАГИ ҚОНУНЧИЛИГИГА  
МУВОФИҚ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА  
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ «ЭЛЕКТРОМАГНИТ  
МОСЛАШУВ МАРКАЗИ» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ОГОҲЛАНТИРАДИ:**

Республика ҳудудига рухсатномасиз ва сертификатсиз олиб кирилган ҳамда сотувда бўлган ишлатилаётган радиоэлектрон алоқа воситалари (узоқ масофали радиоузайтиргичлар, радиостанциялар ва бошқа радиоузатгич воситалари) ўрнатилган тартибда мусодара қилинади ва уларни олиб киришни амалга оширган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари қўрилади.

Радиоэлектрон алоқа воситаларини республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича «Электромагнит мослашув маркази» ва унинг вилоят бўлинмаларига мурожаат қилинг.

**Бизнинг манзиллар:**

|                                                                           |                                                                                        |
|---------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------|
| Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 15-уй, телефон: (71) 202-61-69.       | Наманган шаҳри, Марғилон кўчаси, 8-«А» уй, 2-корпус, 54-хона, телефон: (71) 230-64-72. |
| Андижон шаҳри, Истиклал кўчаси, 33-уй, телефон: (71) 230-64-65.           | Самарқанд шаҳри, Сельский, Колбоғ, Радио шаҳарча, телефон: (71) 230-64-80.             |
| Бухоро шаҳри, академик И. Мўминов кўчаси, 2-уй, телефон: (71) 230-64-66.  | Термиз шаҳри, Ат-Термизий кўчаси, 28-уй, телефон: (71) 230-64-79.                      |
| Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 46-уй, телефон: (71) 230-64-68.           | Гулистон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 54-уй, телефон: (71) 230-64-67.                    |
| Нукус шаҳри, Ерназар Алакўз кўчаси, ШАТС биноси, телефон: (71) 230-64-75. | Фарғона шаҳри, Б.Марғилоний кўчаси, 30-уй, телефон: (71) 230-64-74.                    |
| Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 21-уй, телефон: (71) 230-64-78.          | Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 108-уй, 23-хона, телефон: (71) 230-64-77.            |
| Навоий шаҳри, Амир Темур кўчаси, 4-уй, телефон: (71) 230-64-69.           |                                                                                        |

## O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



O'ZBEKISTON  
XALQ DEMOKRATIK  
PARTIYASI  
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

## TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV

Ulug'bek VAFOYEV

Mahmud TOIR

Qalandar ABDURAHMONOV

Gulliston ANNAQILICHEVA

Musiliddin MUHIDDINOV

Shuhrat JALILOV

Hayotxon ORTIQBOYEVA

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Qabulxona — (71) 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — (71) 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — (71) 233-47-80, (71) 233-38-55

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

## MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba kuni chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1051. 3396 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 01:45.

Topshirilgan vaqti — 03:35.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:  
Ravshan SHODIYEV  
Sahifalovchi-dasturchi:  
Zafar BAKIROV



1 2 4 5 6